БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 152 (1156)
2 АВГУСТ
ШАНБА
1958 йил
Баҳоси 20 тийин

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, РТС, колхоз ва совхозларнинг вазифаси—август ойида мавжуд барча моддий-техника воситалари ва ишчи кучларидан тўла фойдаланишдан, фидокорона маҳнат билан ҳамма участкаларда ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатишга эришишдан ва терим бошлангунча қўшимча ҳосил тўплашдан—ҳар бир туп ғўзада камида 10 та кўсак бўлишига эришишдан иборатдир. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадалари ишининг якунлари ва 1958 йил август ойида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

Кремлда олган мажбуриятни бажариш учун ғўзани август ойида ҳам июль ойидагидек зўр бериб парвариш қилайлик!

☆ ☆ ☆

Август—ҳосилни кўпайтириш ва уни етилтиришда ҳал қилувчи ой

Июль тугади, пахта далаларида мўл ҳосил тўплаш учун курашнинг якунловчи даври—август ойи бошланди. Августда ғўзага яхши ишлов бериш натижасида ўсимликнинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш ва қўшимча ҳосил тўплаш имконияти туғилади, кўсаклар тез тўлишиб етилади, ҳосил тугунчалари кўпаяди. Москва, Кремлда олинган юксак социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши асосан август ойида ғўза қатор ораларида қилинган фидокорона меҳнатнинг натижалари билан ўлчанади.

Областимиз пахтакорлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қаророни бажариш учун астойдил курашиб, июль ойида ғўзанинг аҳволини яхшилаш юзасидан бирмунча иш қилдилар. Илғор колхоз ва совхозлар июль ойининг охиригача ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 5-6 ва ундан кўпроқ бўлиқ кўсак ҳосил қилишга эришдилар ҳамда ҳосил тўплашни давом эттириб, 1958 йилда пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирмоқдалар.

Шу билан бирга кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзани парвариш қилишда жиддий камчиликлар борлигини, бу камчиликларни бартараф қилиш учун зарур тадбирлар жуда сусткашлик билан амалга оширидаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Қардош Тожикистон ва Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари аниқлаган камчиликлар, яқинда бўлиб ўтган республика ва область партия активининг йиғилишларида баён қилинган фикрлар буни яққол исбот этади.

Областимиз пахта далаларини кўздан кечирган Тожикистон ва Озарбайжон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари ғўза парваришлдаги жиддий камчиликларни тўғри очиб ташладилар ва бу камчиликларни тузатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу камчиликлар асосан шулардан иборатки, хамма районларда ҳам ғўза парваришини ташкил этиш соҳасидаги ишлар ва ғўзанинг ҳозирги аҳволи қониқарли эмас. Область колхоз ва совхозларида ғўзани парвариш қилиш ва озиқлантириш юзасидан июль ойи учун берилган топшириқ бажарилмади. 25 июлгача ғўза қатор оралари икки марта узунасига ва кўндаланг культивация қилиниши ўрнига атиги 1,34 марта узунасига ва 0,82 марта кўндалангига культивация қилинди.

Барча суғориш системалари сув билан тўла таъминланганига қарамай бир қанча колхоз ва совхозларда ғўзани қовжратиб қўйиш ва қондириб суғормаслик ҳолларига йўл қўйилмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли, Янгийўл районидаги Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XX съезди», Бўка районидаги Сталин номли колхозларда, «Фарҳод» ва «Дружба» совхозларида сувдан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилмоқда.

Шу кунларда областимиз пахта далаларида кунига 119-120 минг киши ишлаши лозим бўлгани ҳолда, ҳақиқатда ўрта ҳисобда кўпи билан 95-96 минг киши ишлаётганлиги сира кечирилмаслик бир ҳолдир. Октябрь, Чиноз, Бекобод, Пискент, Боёвут, Юқори Чирчиқ ва Оржоникидзе районларида, «Чаноқ», «Гулистон» ва «Дружба» совхозларида ғўза парвариши ва унинг ривожланишидаги жиддий қолоқлик шу вақттача давом этмоқда. Умуман олганда, областимизда 55 минг гектар майдондаги ғўза энди ҳосил тугиш даврига кирган ва ривожланишда 10 кундан кўпроқ орқада қолмоқда.

Кўпгина колхоз ва совхозларда бепарволик ва хотиржамлик каби зарарли кайфият ҳукм сурганлигидан сўнгги вақтларда ғўза парвариши сўрғаи жуда сусайиб кетди, ишлар сифатсиз бажарилмоқда, қишлоқ хўжалик ишларининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларда алдаш ва кўзбўямачилик қилиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Областимизда мўл ҳосил тўплаш ва уни тезроқ етилтириш ҳақида вужудга келган ҳозирги жиддий вазият барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз правлениеларидан, совхоз, РТС ва МТС директорларидан, барча пахтакорлардан августда яна ҳам зўр ғайрат кўрсатиб ишлашни, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришига сафарбар қилиб, мўл ҳосил тўпланишини таъминлайдиган агротехника тадбирлари комплексини тўла амалга оширишни талаб қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадалари ишининг якунлари ва 1958 йил август ойида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарор газетамизнинг кечаги сонида эълон қилинган. Қарорда бундай дейилади:

«Ҳозир асосий вазифа — август ойида ғўза парваришини ҳамма участкаларда ривожланишидаги қолоқликни тугатишга эришишдан ва терим бошлангунча қўшимча ҳосил тўплашдан — ҳар бир туп ғўзада камида 10 та кўсак бўлишига эришишдан иборатдир. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди».

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида август ойида ғўза парвариши юзасидан қилинадиган ишлар, қардош республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари аниқлаган ҳамма камчиликларни тугатиш йўллари бирма-бир кўрсатилган. Қарорда белгиланган тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш, августда мамлакатга 500 минг тонна пахта бериш юзасидан олган мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган мўл ҳосил етиштириш — маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси, пахтакорларимизнинг ватанпарварлик бурчидир.

Август ойида ҳам июль ойидагидек ғўза устида қатъий ишлашимиз, ҳар бир даладаги ўсимликнинг аҳволини ҳисобга олиб, ғўза парваришини табақалаштирган ҳолда юқори сифатли ўтказишимиз керак. Партия ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорининг моҳиятини ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва ҳар бир механизатор та пухта тушунтиришлари, бу қарорда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан кундалик контролни кучайтиришлари лозим. Ҳозирги масъулиятли пайтда шунга эришиш керакки, ҳар бир колхозчи, механизатор ва совхоз ишчиси муайян майдонлари ғўзани парвариш қилиш ва суғориш юзасидан ҳамда муайян миқдорда меҳнат куни ишлаш юзасидан ўз зиммасига конкрет мажбурият олсин. Август ойида барча коммунист ва комсомоллар, уларнинг колхоз ва совхозлардаги лавозимларидан қатъи назар, дала ишларида бевосита қатнашсинлар, намуна кўрсатиб ишлаб, барча колхозчилар, совхоз ишчиларининг ғўза парваришида актив иштирок этишларини таъминласинлар.

Август ойида бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, фидокорона меҳнат қилайлик, социалистик мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашайлик!

☆ ☆ ☆

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ К. Гулмирзаев бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи К. Гулмирзаев (ўнгда) ва звено бошлиғи Г. Қорабоев ўртоқлар ғўза туплари дагги кўсакларни кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆ ☆

Ҳамон хотиржамлик ҳукм сурмоқда

Ворошилов номли колхоз Пискент районидаги юқори ҳосилли хўжаликлардан биридир. Колхоз аъзолари бу йил 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Аммо колхоздаги ҳозирги аҳвол бу мажбуриятни бажариш имкониятини бермайди.

Колхозда (раиси Н. Толипов, партия ташкилотининг секретари А. Абдусаматов ўртоқлар) меҳнат интизоми бўшашиб кетган, ғўза чопиги учун белгиланган график бажарилмайди, ғўзани икки томонлама парвариш қилишга аҳамият берилмайди. Ғўзани озиқлантириш ва суғоришда ҳам кечириб бўлмас ҳол ҳукм сурмоқда. Колхозда 187 гектар чанқоқ ва ўт босган ғўза бор.

Колхозда бригада бошлиқлари ва табелчиларнинг оила аъзолари дала ишларида қатнашмайдилар. Идора ходимларидан Бўтаев, Тожиддинов, Ҳакимов, Юсупов ва Содиқов ўртоқларнинг хотинлари йил бошидан бўён фақатгина 1,5-2 тадангина меҳнат куни ишлаганлар.

Колхозда механизациядан унумли фойдаланишга ҳеч ким эътибор бермаётир. 19 та трактор культиваторидан биттасигина Умарали Умиров бошлиқ бригадада кўндалангига культивация қилмоқда. Раиснинг механизация бўйича ўринбосари ўртоқ О. Отақуловнинг масъулиятсизлиги натижасида трактор бузиқ, ер тайёр эмас каби ноўрин сабаблар билан ҳар куни 2-3 трактор бекор турмоқда. Ўртоқ О. Отақулов бригаларда аҳволнинг қандай эканлиги билан тез-тез танишиб турмайди.

Колхознинг Қозоқ Исмоилов ва Мирза Жамоатов бошлиқ бригадаларида, айниқса аҳвол ачинарли. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ғўза парваришида содир бўлган нуқсонларни тез кунда бартараф қилиб, август ойида ғўзани камида 2 марта комплекс парваришдан чиқариш керак.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Бу йил даромадимиз икки баравар ортади

Улуғмурод Қўшмуродов бошлиқ бригада Мирзачўл районидаги Лечин номли колхознинг илғор бригадаларидан ҳисобланади. Бригада аъзолари 90 гектар ернинг 60 гектарига квадрат-уялаб, қолган майдонга тор каторлаб чигит эккан эдилар. Ҳозир барча майдондаги ғўзалар икки томонлама тўртинчи марта комплекс парвариш қилинаётир, ғўзага унинг талабига қараб сув қўйилмоқда ва озиқлантирилмоқда.

Ғўзани қондириб суғоришда Ярла Боймуродов ва Ҳасан Очилов ўртоқлар, айниқса, яхши натижаларга эришаётирлар.

Бригада ғўзаларининг ҳосилдор бўлиб, тез ривожланишида механизатор К. Пиримовнинг ҳам хизмати катта. У кунига 11-12 гектар майдондаги ғўзани сифатли культивация қилмоқда. Шунингдек Ҳанифа Шодмонова, Турғуной Қўшмуродова, Ирсалат Усмонова каби чопиқчилар ҳам кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссадан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бригада аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 28 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Колхознинг Н. Маражонов, Т. Раҳмонқулов бошлиқ бригадаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бу бригада аъзолари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларида кўрсатилганидек, бу йил икки баравар ортиқ даромад қилишни мўлжаллаб меҳнат қилаётирлар.

Х. САГИЗОВ.

Илғор пахтакорлар ҳақида хушхабарлар

ОҚҚЎРҒОН районидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор бригада ва звеноларида ғўзалар яхши ривожланмоқда. 4-бригада аъзолари ўзларига биркитилган 84 гектар ердаги ғўзани икки томонлама ўрт марта сифатли парвариш қилдилар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 4-5 тадан тўқ кўсак бор.

Ғўза қатор ораларини икки томонлама сифатли ишлаётган М. Буканов, Т. Ҳамроев ўртоқларнинг меҳнатидан бригада аъзолари ғоят мамнун бўлмоқдалар.

Бригада аъзолари август ойида ғўза парваришини ҳартомонлама кучайтириб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

А. Қаршибоев.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхознинг кекса пахтакори Абдулла ота Тўйчиев қариб 30 йилдан бери ғўза суғоради. У ҳозир ўзи ишлаётган 3-бригадада ҳар куни 1-1,5 гектар ердаги ғўзани сифатли суғориб, кундалик нормасини ошириб бажармоқда.

Абдулла ота Тўйчиев А. Орипов, Н. Тиллаев, И. Комилов каби ёш сувчиларни тарбиялаб ва ғўзаларни кечаю-кундуз жилдиратиб суғоришга ўргатди. Бу уста сувчилар суғораётган 3-бригаданинг кенг пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирилмоқда.

В. Даҳибоев.

☆ ☆ ☆

Мамлакатга 15000 тонна пахта берамиз

«Оққўрғон» совхозининг ишчи ва механизаторлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети IX пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, совхозга биркитилган 5270 гектар пахта майдонидан давлатга 15000 тонна ҳосил топшириш учун кўтаринки руҳ ва зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Совхоз коллективи асосий ҳосил июль ойида тўпланишини эътиборга олиб, шу ой ичида барча пахта майдонларини камида икки марта сифатли парвариш қилиш мажбуриятини олган эди. Ҳозир илғор бригадалар бу мажбуриятни шараф билан бажардилар. Бошқа бригадалар ҳам мажбуриятларини тез кунда бажариш учун курашаётирлар.

Механизаторлар ва сувчилар унумли ишлаб кенг майдонларда мўл ҳосил тўплашга мунослб ҳисса қўшаётирлар.

Барча майдонлардаги ғўзаларни бир хилда сифатли парваришлаб, мўл ҳосил тўплашда, айниқса Жоникулов ва Бухоров ўртоқлар бошлиқ 1- ҳамда 6- бўлим ишчи ва механизаторлари бошқаларга намуна бўлардлик даражада меҳнат қилаётирлар.

Совхоздаги ҳар бир ишчи, ҳар бир механизатор ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш ва уни ғўза анча ўсган шу кунларда ҳам давом эттириш — мўл ҳосил гарови эканлигини яхши тушунади. Бу йил совхозимизда анчагина трактор-далачилик бригадалари ишлаётир. Бу бригадаларда мутлақо кетмон ишлатилмасдан, фақат механизация ёрдамида ғўза қатор ораларини икки томонлама сифатли юмшатиш натижасида мўл ҳосил етиштирмоқчимиз. Булар ичида М. Омонов, Султонов ва Нуруллаев ўртоқлар бошлиқ трактор-далачилик бригадалари юқори кўрсаткичга эришаётирлар. Илғор университетчилардан Гелди Сафаров ва Бозор Аҳмедовлар университетчи ғўза қатор ораларини бўйлаб кўндалангига олиб юришда ажойиб маҳорат кўрсатмоқдалар. Ўз ҳунарининг устаси бўлган А. Шералиев, И. Динов, А. Тўғизбоев, Н. Киктев каби механизаторлар ҳам ғўза қаторларини икки томонлама ишлашни тўлиқ эгаллаб олдилар. Бу азамат механизаторлар парваришлаб қилган майдонлардаги ҳар туп ғўзада ҳозир 5-6 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригада ишчилари совхозда биринчи бўлиб чеканкани бошлаб юбордилар.

Шунингдек Н. Тоҳиров, Ҳ. Ғаниев, Туркменидзе, П. Атанасов, С. Усейнов ўртоқлар бошлиқ бригада ишчиларининг яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтиш керак.

Илғорларни рағбатлантириш, уларни меҳнатда янги ютуқлар сари руҳлантиришда ҳам анчагина ишлар қилинди. Ўртоқ Бухоров бошлиқ 6- бўлим ишчилари район партия ва ижроия комитетининг, Омонов ва Султонов бошлиқ тракторда-лачилик бригада ишчилари совхоз дирекцияси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар. Илғорларнинг кўпчилиги қиммат баҳо буюмлар билан ҳам мукофотландилар.

Аммо совхозда ҳали суст ривожланаётган, ҳосил тўплаши кечикаётган ғўзалар йўқ эмас. Ўртоқ Ғойибназаров бошлиқ 2-бўлим, Тоғанов ва Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ 4- ва 11- бўлимларнинг баъзи бригадаларида ана шундай ғўзаларни учратиш мумкин. Бу бригадаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақанинг сафарбарлик кучига аҳамият бермаслик натижасида камчиликларга йўл қўйилди.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти бу бўлимлардаги иш билан алоҳида шуғулланди ва ғўза парваришлари бутун чоралар билан кучайтириб юбориш учун қатор тадбирлар белгилади.

«Оққўрғон» совхозининг ишчи ва механизаторлари, барча меҳнаткашлари ўтган йилларгаи аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб, бу йил ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бир жон-бир тан бўлиб ишлаётирлар.

Ж. ТИЛЕБОЛДИНОВ,
«Оққўрғон» совхози партия ташкилотининг секретари.

Шоналар гулга, гуллар кўсакка айланмоқда

Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг коммунист Ойҳўжа Қўрғонов бошлиқ бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, 74 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Ғўза парвариши яхши йўлга қўйилган. Меҳнатсевар бригада аъзолари ҳозиргача 3 марта узунасига ва кўндалангига культивация қилдилар, иккинчи сувдан чиқарилди маълум миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солинди. Бригаданинг механизатори Исом Эрназаров кундалик нормасини 1,5-2 ҳиссадан бажармоқда. Яшил квадратлардаги шоналар гулга, гуллар кўсакка айланмоқда.

Ҳозир ҳар бир туп ғўзада 7-8 тадан гул ва 3-5 тадан кўсак бор.

Т. ИБРОҲИМОВ.

ҒАЙРАТ ҚИЛ, ПАХТАКОР ЎРТОҚ!

Москва, Кремль, муқаддас Сарой. Ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон ва қозоқ пахтакорлари мамлакат омборига 4 миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» етказиб берамиз деб аҳд қилдилар. Бу сўз уларнинг қалбидан отилиб чиқди. Ерни ишлашда устоз бўлиб қолган, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ишни бажараоладиган, қўлини қаёққа чўзса уддасидан чиқишига кўзи етган қардош пахтакорлар шундай улуғвор вазифани ўз зиммаларига олар эканлар, уни бажариш осон эмаслигини, қийинчиликларга дуч келиш муқаррар эканлигини билар эдилар.

Ғўзал ёз фаслининг сўнгги ойи — август бошланаётган қизғин кунларда пахта учун курашнинг аввалги саҳифаларига бир назар ташлайлик. Баҳордаги тинимсиз ёғин кунлари. Поёнсиз далаларда бўлганда ёшлар ва кексалар юзидаги ташвиш. Пахтакор ва механизаторнинг ичига чироқ ёқса ҳам ёримайди. Экишдан олдинги мажлис, минбарда туриб берилган ваъда, Катта Кремль Саройида зиммага олган социалистик мажбурият эсланади. Юракни алланима тимдалаётганга ўхшайди, ахир деҳқон экиннинг кун санашини, вақтида экиб олинмаса, охирига борганда иш сурилиб кетиб, қийинчилик устига ҳар хил машаққатларга дуч келинишини билади. Эртадан-кечгача ҳаво тинимсиз қуйиб турса ҳам трактор далада, безовта бўлган колхозчилар, тракторчилар қулай фурсатни кўзлайди... Булут парчаланиб қуёш йилт этиб жамолини кўрсатдимм, шу дақиқа зойи кетказилмайди, бир қаторга бўлса ҳам экиб олганимиз ғанимат, деб ҳамма ишга ёпирилади.

Экиш чўзилиб кетди. Майнинг сўнгги кунларида ҳам қўлимизда чигит, оласига экиб юрдик, қаторлар бехато бўлсин, гектар тўла чиқсин дедик. Ерни ёриб униб чиққан мурғак ғўзани кўрганимизда бола-чақамиз билан қувондик, дўстларимизга кўрсатиб хурсандчилигимизни ҳамдамлашдик. Энди қаторлар текисланиб ғўзамиз яганабоп бўлганда қанча-қанча пайкаллардаги ёш ғўзани дўл қоқиб ўтди, далаларимизда ҳашарот пайдо бўлди. Буниси оғир келди. Ахир меҳнатимизнинг дастлабки натижаси кўзга кўриниб қолган эди-да. Кечаги қип-қизил шудгорга не-не машаққат билан чигит экканимиз, энди униб чиққанда кўз ўнгимизда ёш ғўзани дўл побуд қилаётган бўлса-ю, ҳашарот унинг томирини сўриб нимжон қилиб қўяётган бўлса — юракни ўртамайдими?! Колхоз, совхоз қишлоқларининг фидокор кишилари далага, ғўзани табиий офатдан сақлаб қолишга бирдамлик билан отланди. Ўгил-қизининг давлатида кексалик гаштини суриб юрган ота-оналар ҳам қўл қовуштириб ўтиришга олмади. Шу кезларда далада бўлганингизда пахта учун курашнинг энг оғир, сермеҳнат палласига дуч келган бўлардингиз.

Кўпчилик бирлашди. Ҳамма тер тўкиб меҳнат қилди, далаларимизга файз кирди. Лекин деҳқон ғўзасини кўрганда қаноатланмас эди. Негаки, баҳорда бўлган ёмғир — экишнинг кечикиши, дўл, ҳашарот — ғўзанинг ривожи сусайганлиги ғайрат, шижоат камарини ечмаслики, бугун кечагидан, эртага бугунгидан қаттиқроқ ишлашни тақоза қиларди. Далаларда тонгдан токи кеч тушгунча трактор овози тинмади. У пайкалнинг узунаси ва кўндалангига юриб турди. Беш кунлик, ўн кунликлар давомида қилинган ишлар якунланганда ғўзанинг аҳволи назарда тутилар, энди кечикиши 10 кун эмас, 8,7...кунга тўғри келиб қолди, ҳаракатни кучайтиришимиз керак дейилар, қўллар ҳаракати тезлашар, механизмларнинг ишлаши жадаллашарди. Шундай кезларда ўсиш, ривожланишга бошлаган, демак иштахаси очилган ғўзани толиқтириб қўймаслик учун ҳаракат қилаётган, тантанали сўзини, ваъдасини унутмаган доимо сўзи билан иши бир бўлган азаматлар топганини далага олиб чиқишар, ғўза тагига соларди. Ишни ана шу йўсинда ташкил қилган колхоз, совхоз бригада ва звеноларда ғўзанинг ҳосил олиши чакки бўлмади. Бундай пахтакорлар сентябрда қўли тўлиб пахта теради, демак қадами илдам!

Июль тугаб, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланган август ҳам кириб келди. Бироқ ҳали катта-катта майдондаги ғўзасини ўнглаб олмаган, ҳаракати суст деҳқонларимиз йўқ дейсизми? Афсуски, ғўзасининг кўкига қараб кўзи қувнаб юрган кишилар оз эмас. Унутманг, «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» бўлиб қолмасин. Бугун далага чиқанда йўл ёқалаб ўтиб кетманг, қаторларни бирма-бир оралаб кўринг. Пам етарлими, тупроқ юмшоқми — аниқланг, ишни шунга яраша йўлга қўйинг! Бир туп ғўзадаги 4-5 та кўсак кўзингизни парда бостирмасин, энди кўсаклаётган, кечагина шонаси гулга айланган, шох чиқариши кечикаётган ғўзани кўриб-кўрмасликка олманг! Ҳозир шундай қилсангиз кузда хирмонингизда барака бўлмайди, тарозининг шайини ўйноқи бўлиб қолади.

Қардош озарбайжонлик ва тожикистонлик биродарларимиз далаларимизда бўлганларида: «тошкентлик оғайнилар, ҳали катта-катта карталардаги ғўзангиз ёш экан, ҳосил олиши кўнгилдагидек эмас экан, гафлатда қолмаслик учун отингизни ҳозирги пайтда қамчилаб қолинглар», деб жуда яхши маслаҳат беришди. Улар Боёвут ва Мирзачўл пахтакорларининг иши билан танишганда ҳам, Бекободнинг колхоз, совхоз пахтазорларида юрганларида ҳам, Ўртасарой, Пискент, Оржоникидзе ва Сирдарё районларидаги колхоз, совхозларнинг ғўзасини оралаганларида ҳам шу фикрни такрорладилар.

Дўстларимиз айтгандек далаларимизни бирма-бир оралаб чиқайлик. Ғўзаси ҳали анча ёш, кўсаги кам пайкалларга ғўғ солайлик, шарбат оқизайлик, тракторни узунаси ва кўндалангига юргизиб, ғўзага ривож берайлик. Сувдан, чопиқдан хабардор бўлайлик. Ғўзанинг кўкига махлиё бўлиш — тошкентликлар шаънига тўғри келмайди. Ҳозиргача олди ғўзамизда 5-6 тадан кўсак бор экан, бу бизнинг фойдамиз, қўлга киритган ютуғимиз. Ютуққа эришиш, қўлга киритилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, яъни ғўза тупларида ҳосилни кўпайтириш, кўсакларни тезроқ етилтириш чорасини кўриш — бундан кейин ҳар бир пахтакорнинг шиори бўлиб қолиши шарт. Кремлда берилган ваъдани — мамлакатга 4 миллион тоннадан ортиқ пахта етказиб бериш-дек шарафли мажбуриятни бажаришда республикамиз етакчи роль ўйнайди — елкамизда 3 миллион тонна пахта бериш вазифаси бор. Шу 3 миллион тоннанинг катта бўлаги—500 минг тонна пахта бериш тошкентликларнинг шарафли бурчи!

Бу йилги август бултурги ёки ундан аввалги йилги август эмас. Бу йилги август, аввалги йиллардаги июлга ўхшамоги, демак бу йилги августда 1956-1957 йилларнинг июлидагидек меҳнат қилмоғимиз керак.

Ҳосилнинг мўл бўлиши сиз билан бизнинг астойдил ва жон қуйидиб ишлашимизга боғлиқ. Хирмоним баракали бўлсин, деган деҳқон бир туп ғўзасини ҳам камҳосилли қилиб қўймайди. Кунни тунга, тунни кунга улаб ишлайди, ўзининг қадрдон даласида «оқ олтин» кони барпо қилади.

Кремлга, муқаддас Саройга бориб сўзимизнинг устидан чиқдик, она-Ватанга 500 минг тонна пахта етказиб бердик, деб дадил айтиш учун ҳамма мўл ҳосил учун курашга, ўртоқлар!

С. МАҲКАМОВ.

СССР Савдо министрлигида

СССР Савдо министрлиги селёдка ва килька балиқларининг амалдаги нархларини ўрта ҳисобда 9 процент камайтириб, Тинч океан ва Атлантик океанда овланиб, тузланган ва суранган селёдка балиқларига, Каспийда овланган майда селёдка балиқларига ва килькага 1958 йил 1 августдан бошлаб янги чакана нархлар жорий қилди.

КРЕМЛДА БЕРГАН СЎЗИМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚАМИЗ

Тошкент область партия-хўжалик активи йиғилишидан

Тошкент область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ **М. Раҳматов** ва Озарбайжон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош инженери ўртоқ **Е. И. Чегодаев**нинг Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олган социалистик мажбурият қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитди.

Мусобақадош ўртоқлар қардош республикаларнинг пахтакорлари пахтачиликни янада ривожлантириш учун олиб борилаётган курашда бир-бирларига катта ёрдам бераётганликларини таъкидладилар. Ўзаро текшириш илгор тажриба билан ўртоқлашишга, аниқланган камчиликларни бартараф қилишга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини етиштиришда янги муваффақиятларни қўлга киритишга, пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажаришга ёрдам беради.

Ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари Ўрта Чирчиқ, Верхне-волинск ва бошқа айрим районларнинг бир қатор колхоз ҳамда совхозларида чеканкани ўтказганда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги фактига дуч келдилар. Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхозда (раиси ўртоқ Султонов) қўпчилик участкалардаги ғўзалар жуда ўсиб ва ғовлаб кетган, ҳосил элементлари эса жуда кам. Колхознинг 1-бригадасидаги ғўза тупларининг баландлиги одам бўйидан ҳам ошиб кетгани ҳолда, ҳосил элементлари оз. Аммо шунга қарамай ғўза чеканка қилинмаётир.

Кўпчилик агротехника тадбирлари экиннинг қандай схемада жойлаштирилганлиги ҳисобга олинмай, шаблон равишда амалга оширилмоқда. Чунончи, 50х50 схемаси билан ўстирилаётган ғўзаларни букетировка қилиш, суғориш, озиқлантириш, чеканка қилиш ва ана шу майдонларда бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш билан ғўза 60х60, 60х50 ва 60х45 схемасида ўстирилаётган майдонларда агротехника тадбирларини амалга оширишнинг муддати ва нормаси бир-биридан ҳеч фарқ қилмайди. Ваҳоланки, бу схемаларнинг ҳар бири агротехника тадбирларини ўзига яраша табақалаб амалга оширишни талаб қилиши ҳаммага аён.

Шу муносабат билан фан ютуқларини илгор тажрибага мослаб турмушга татбиқ қилмаётганликлари учун агрономия ва илмий-текшириш ташкилотларининг ходимларига жиддий эътироллар билдиридик.

Шунингдек, мусобақадош ўртоқлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш суст олиб борилаётганлигини, ғўзани азотли ўғитлар билан озиқлантириш ишларини ўзиб юборилганлигини ва техникадан тўғри фойдаланиш масаласининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатдилар. Жумладан, улар Сирдарё, Верхне-волинск, Гулистон ва бошқа айрим районларнинг қишлоқ хўжалик инспекцияси ходимлари ҳамда РТСлари трактор культиваторларининг ишчи органлари ишкастланишдан химоя қиладиган мосламалар ўрнатилмаган ҳолда ишлатилаётир, культиваторнинг ғўзага шикаст етказадиган жойлари қоп-қанор билан ўралмаган. Пискент районидаги «Гулистон», Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги Мичурин номли ва бошқа бир қатор хўжаликларда шу хилдаги камчиликларга йўл қўйилаётир.

Ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари область партия комитетларига ва район ижроия комитетлари раҳбарлари шаънига кўпгина таҳқидий мулоҳазалар баён қилдилар. Улар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг ғўза парвариши суръатини кучайтириш ва ҳосилнинг етилишини тезлаштириш ҳақидаги қарори қандай бажарилаётганлиги устидан контроллик суст олиб борилаётганлигини кўрсатдилар. Бу, биринчи навбатда, Оққўрғон районининг раҳбарларига тааллуқлидир. Район раҳбарлари партия ва давлат интизомига риоя қилмаётган кишиларга нисбатан либералларча муносабатда бўлмоқдалар.

Область ташкилотларининг раҳбарлари район, колхоз, совхоз, РТС ва МТСларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганлар.

Сўнгра мусобақадош ўртоқлар бир қатор амалий маслаҳатлар бердилар. Улар бир-икки кун ичида ғўза туплари қалин бўлган барча ўлардаги ошиқча ўсимликларни юлиб ташлаш, август ойи мобайнида ишчи органларини максимал ўрнатган ҳолда барча мавжуд чопиқ тракторлари билан ғўзага ишлов беришни тавсия этдилар.

Ўсимликни зарарлантирмаслик, ҳосил элементларини тўкмаслик мақсадида барча чопиқ тракторларига мосламалар ўрнатиш ҳамда культиваторларнинг ғўзага шикаст етказадиган жойларини қоп-қанор билан ўрашга алоҳида эътибор бериш, культивация, озиқлантириш ва эгат олиш ишларини кенг равишда бир-бирига мувофиқлаштириб олиб бориш, суғориш билан трактор культивацияси ўртасида узилишга йўл қўймаслик лозим.

Яқин кунлар ичида ривожланиш жиҳатидан орқада қолган ғўзаларни азотли ўғитлар билан озиқлантиришни тамомлаш ва бу ишнинг суръатини, айниқса ғўзаси ғовлаб кетган участкаларда тезлатиш зарур.

Сувни марказлаштирган ҳолда ғўзани кеча-кундуз суғоришни ҳамма ерда йўлга қўйиш ва суғорилаётган ҳар бир участкада сувнинг 3-4 суткадан ортиқ ушланмаслигига эришиш керак.

Яқин кунлар ичида қишлоқ хўжалиги зараркунандалари тарқалган барча участкаларни дорилаб чиқиш ва ундан сўнг ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни сусайтирмаслик лозим.

Август ойида қолоқ учаскаларга алоҳида эътибор берган ҳолда ғўза парваришини қатъий равишда табақалаштириб олиб бориш зарур.

Мусобақадош ўртоқлар Тошкент областининг колхозчилари, совхоз ишчилари, РТС, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қилинган таҳқидий мулоҳазалардан зарур хулосалар чиқариб оладилар, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликка барҳам берадилар, мўл ҳосил тўплайдилар ва унинг эрта етилишига эришадилар ҳамда олинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдирдилар.

Музокаралар бошланади. Биринчи бўлиб Мирзачўл район партия комитетининг секретари ўртоқ **Қ. Укубоев** сўз олади. У, район пахтакорларининг олиб бораётган ишлари ҳақида муфассал гапириб берди. Бу йил район колхозлари, «Мирзачўл» совхозида 14 минг гектардан ортиқ ерга чигит экилди. Пахтакорлар мўл ҳосил етиштириш ва давлатга 31 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар. Пахта етиштиришнинг илғор методларини жорий қилиш бу йилгидек кенг тус олганлиги ҳеч қачон кўрилмаган эди. Бунга мисол қилиб ўн минг гектардан ортиқ ердаги ғўзага механизмлар билан икки томонлама ишлов берилаётганлигининг ўзини кўрсатиш кифоя қилади. 30 июлгача экинга 4,8 марта узунасига ишлов берилди, учинчи қўндаланг культивация тамомланаётир. Пахта майдонларида 3-4 марта кетмон чопиғи ўтказилиб, ғўзалар уч марта озиқлантирилди. Натижада катта майдонларда ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликка барҳам берилди. Уч ярим минг гектарга яқин майдондаги ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 3-4 тадан, етти минг гектар майдондаги ғўзада эса 2-3 тадан кўсак бор. Минг гектарга яқин майдондаги ғўза ёппасига гулга кирди.

Ўртоқ Укубоев барча майдонларда ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликка барҳам бериш юзасидан етарли чора кўрилмаганлигини эътироф этди. Тожикистон пахтакорларининг Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Раҳматов раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадаси, — дейди ўртоқ Укубоев, — экинни парвариш қилиш агротехникасида биз йўл қўйган жиддий камчиликларни кўрсатиб берди. Айниқса бу соҳада «Октябрь» колхозида жиддий камчиликлар борлиги аниқланди.

Район партия комитети ўзаро текшириш бригадасининг огоҳлантиришларига дарҳол эътибор берди. Ҳа, шундаки, райком бюроси колхоз раиси ва партия ташкилотининг секретарига нисбатан чора кўриш билангина қаноатланмади. Балки колхозда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгиланди ва унинг бажарилиши контроллик остига олинди.

Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари районимиздаги беш колхозда бўлдилар. Улар ҳам ғўза парваришини яхшилаш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Биз ана шу маслаҳатларга асосан ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш ва мўл ҳосил етиштириш мақсадида август ойида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаб чиқдик. 1 сентябргача барча майдондаги ғўзани камида 1,5 марта, қолоқ участкалардаги ғўзани эса 2,5 марта культивация қилиш вазифасини ўз олдимизга қўйдик. Шунингдек, барча майдондаги ғўзани бир марта ва қолоқ участкалардаги ғўзани икки марта кўндаланг культивация қиламиз. Кетмон чопиғини ва ғўзани барги орқали озиқлантиришни 20 августгача давом эттирамиз. Экинни суғоришга алоҳида эътибор берамиз.

Ғўзани чеканка қилиш шу маҳалгача қизғин йўлга қўйилмаганлиги район пахтакорлари ишидаги жиддий камчиликлардан бири ҳисобланади. Биз 8 минг гектар ердаги ғўзани чеканка қилишни 3 августгача, қолган майдондаги ғўзани чеканка қилишни эса 10-15 августгача тамомлаш юзасидан барча зарур чораларни кўрамиз.

Ҳозирги вақтда район партия ташкилотининг асосий эътибори барча колхозчиларни, совхоз ишчиларини ғўза парваришни соҳасида фидокорона меҳнат қилишга сафарбар этиш ва шу йўл билан август ойида барча майдонларда мўл ҳосил тўплашга қаратилган.

Шундан сўнг ўртоқ Укубоев область ташкилотлари олдига бир қатор талаблар қўйди. Колхозларни РТС ва ГУТАП орқали запас қисмлар билан таъминлаш яхши ташкил этилмаган. Натижада колхозлардаги техника бекор турмоқда. Колхозларни қурилиш материаллари билан таъминлаш тартибга келтирилмаган. Айрим колхозларда қурилиш материаллари бўлмаганлиги учун бир қатор ишлаб чиқариш объектларини беш йилдан буён битказиш имконияти бўлмаётир.

Районда 14 сушилка, пахта қуритиш учун 125 майдонча, 45 бостирма қуриш зарурлиги муносабати билан бинокорлик материаллари ҳақидаги масала айниқса жиддий тус олмоқда. Шу муносабат билан ўртоқ Укубоев область партия комитетидан область матлубот жамиятининг ишига аралашишни, у ерда колхозларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш соҳасида тартиб ўрнатишни илтимос қилади.

Боёвут район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Қурбоновга** сўз берилади. У, ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилган ва Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси томонидан кўрсатилган камчиликлар ҳақида гапиради. Айрим участкалардаги ғўзалар ўз вақтида суғорилмай чанқатиб қўйилган бўлса, бир қатор участкалардаги ғўзалар бостириб суғорилган. 3-«Боёвут» совхозида бир қатор участкалардаги ғўзалар шу вақтга қадар ягана қилинмаган.

Ўртоқ Қурбонов айтдики, айрим колхозларнинг раҳбарлари магрурланиш ва хотиржамликка берилиб, мўл ҳосил тўплаш юзасидан зарур чоралар кўрмаётирлар. Пахта майдонларини ўтдан тозалаш муваффақиятли амалга оширилганлиги бунгай кайфиятнинг юз беришига сабаб бўлди. Аммо ҳосилнинг тақдирини фақат ғўзани ўтдан тозалашгина ҳал қилмайди-ку, аҳир.

Район партия комитети ва район ижроия комитети ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликларни август ойида бартараф қилиш юзасидан чоралар кўрмоқдалар.

Омманинг ижодий ташаббусини ва меҳнат соҳасидаги активлигини ошириш мақсадида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Районда бу йил 48 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш вазифасининг уддасидан чиқишни таъминлаш учун барча зарур имкониятлар — моддий ресурслар ҳам, одам кучи ресурслари ҳам мавжуд.

— Совхозимизда, — деди Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхознинг директори ўртоқ **С. Е. Пак**, — пахта майдонининг 98 процентидаги ғўзага механизмлар билан икки томонлама ишлов берилмоқда. Ҳозирги кунгача барча майдондаги ғўзалар тўрт марта қўндаланг культивация қилинди, узунасига олтинчи культивация бошланди. Ғўзалар уч марта барги орқали озиқлантирилди ва унинг ҳозирги аҳволи кишини қувонтиради. Бизнинг бу йил ҳар гектар ердан ўтган йилдагидек 17 центнер эмас, балки 22 центнер ҳосил олишга ишончимиз комил. Бунинг учун барча куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

Тожикистон пахтакорларининг бригадаси ғўзани парвариш қилиш соҳасида ишимизда қатор камчиликлар борлигини жуда тўғри кўрсатишди. Айрим участкалардаги ғўзалар ҳалигача ўтдан тозалангани йўқ, суғориш ҳамма бригада ва бўлимларда ҳам кўнгилдагидек амалга оширилаётир, деб бўлмайди. Биз, дейди ўртоқ Пак, кўрсатилган камчиликларни бартараф қиламиз ва барча майдонларда мўл ҳосил етиштирамиз, деб мусобақадош ўртоқларимизни ишонтирамиз.

Август ойида барча майдонлардаги ғўзаларни камида 1,5 марта икки томонлама культивация қилишни мўлжалламоқдамиз. Ғўзани озиқлантиришни 5-6 августгача давом эттирамиз. Бу, ўтган йилгига қараганда бу йил бирмунча кўп ҳосил олиш имконини беради.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ **А. Ортиқов** бундай деди:

— Колхозимиз аъзолари бу йил 1370 гектардан ортиқ майдонда пахта етиштираётирлар. Колхоз бунёдга келгандан буён ҳеч қачон бу қадар катта майдонда пахта етиштирилмаган эди. Шунингдек, экинга механизмлар билан ишлов бериш бу йилгидек кенг тус олмаган эди. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзалар тўрт марта қўндаланг культивация қилинди. Экинни озиқлантириш ва суғориш ишлари ўз вақтида амалга оширилаётир.

— Аммо, — дейди ўртоқ Ортиқов, — тожикистонлик ўртоқлар бизнинг колхозимизда бўлганларида ишимизда камчиликлар борлигини кўрсатдилар. Айрим бригадаларда ғўзанинг ўсиб кетганлигини баҳона қилиб, қўндаланг культивация сусайтириб юборилди. Барча майдонлардаги ғўзанинг ҳозирги қолати чеканка қилишни талаб этади. Аммо биз буни эътибордан четда қолдирдик. Шунинг учун ҳам биз ишимиздаги камчиликларни кўрсатиш билан бир қаторда, қимматли маслаҳатлар берганликлари, ўз тажрибалари билан ўртоқлашганликлари учун тожикистонлик пахтакорлардан миннатдормиз.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг таклифига мувофиқ, барча майдонлардаги ғўзаларни август ойида камида 1,5 марта комплекс парвариш қиламиз. Айрим қолоқ участкалардаги экинни парвариш қилишни сентябрь ойининг биринчи ярмида ҳам сусайтирмаймиз. Олган социалистик мажбуриятимизни бажариш учун барча зарур чораларни кўрамиз.

— Озарбайжон пахтакорлари делегациясининг раҳбари, — деди Гулистон районидаги Фрунзе номли колхознинг раиси ўртоқ **Э. Тоғаев**, — ўз докладида колхозимизда ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилган камчиликлар учун бизни тўғри танқид қилди. Улар 2-бригаданинг бир участкасида ҳосил элементлари тўкилганлигини аниқладилар. Бу ҳол ғўза суғорилгач, кетма-кет дарҳол культивация қилинмаганлик натижасида юз берди. Биз чеканкани кеч бошладик.

Озарбайжон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг барча кўрсатмалари ва маслаҳатларини колхозчиларнинг йиғилишида муҳокама қилдик ҳамда уни амалга ошириш, ишимиздаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгиладик. Колхоз аъзолари ҳар гектар ерда 32 центнердан ҳосил етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни албатта бажарамиз, деб сўз бердилар.

Пискент район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Латипов** мусобақадошларнинг ўзаро текшириш бригадаси чиқарган хулосалар тамоман тўғри эканлигини тасдиқлади. Район колхозларида ғўза ривожланиш жиҳатидан бирмунча орқада қолмоқда. Ҳозир катта майдонлардаги ғўзанинг ҳар бир тупида кўп деганда 3-4 тадан бўлиқ кўсак бор. Ваҳоланки ўтган йилнинг шу пайтида ғўзада мавжуд бўлган бўлиқ кўсакларнинг миқдори бундан икки марта кўп эди. Мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Сув таҳқислиги сезилмаётир, техника етарли ва ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмоқда.

Район партия комитети ва район ижроия комитети ғўза парваришини кучайтириш ва олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиладилар. Август ойида барча майдондаги ғўзаларни икки марта культивация қилиш, 6700 гектар майдондаги экинни қўшимча равишда озиқлантириш назарда тутилмоқда.

Ғўза парвариши юзасидан белгиланган кундалик топшириқни ошириб бажарган ҳар бир тракторчи, сувчи рағбатлантирилади. Колхозларнинг ва совхознинг маъмурий-идора аппаратидаги барча кишилар, ҳамма коммунистлар ҳамда комсомоллар, район марказида яшовчи партия активи ходимлари август ойида ғўза парваришида қатнашиш учун дала ишларига жалб қилинади.

Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Н. Нуриддинов** нутқ сўзлади.

Ўртоқ Нуриддинов йиғилиш қатнашчиларини 30 июлда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишининг якунлари билан таништиргандан сўнг, область колхоз ва совхозларидаги пахта етиштиришнинг аҳволини анализ қилиб берди.

Ўртоқ Нуриддинов Тожикистон ва Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари ғўза парваришидаги жиддий камчиликларни аниқлаганликларини кўрсатди.

— Бизнинг жонажон ишимиз,— дейди ўртоқ Нуриддинов, — олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш — мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашдан иборат.

Сўнгра ўртоқ Нуриддинов пахта етиштириш юзасидан олинган мажбурлятни бажариш учун барча шароитлар мавжуд эканлигини уқдиради. Бу йил чигит экиш қисқа муддатларда ўтказилди. 170 минг гектардан ортиқ ерга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди ва ғўза қатор ораларя икки томонлама ишланмоқда. 15 минг гектардан ортиқ янги ер ўзлаштирилди. Колхозларнинг кўпчилиги техникани сотиб олдилар ва ундан унумли фойдаланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигига жуда катта моддий-техника ёрдами кўрсатдилар.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар қулай имкониятлардан яхши фойдаланганликларини қайд қилиб, ўртоқ Нуриддинов умуман областда ғўзанинг аҳволи жиддий ташвишга сабаб бўлаётганлиги ҳақида гапирди. Пахта майдонининг 30 процентидаги ғўза ривожланиш жиҳатидан ҳамон орқада қолмоқда.

Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликнинг асосий сабаби шундаки, областнинг колхоз ва совхозлари, район ва область ташкилотлари ташкилий ҳамда агротехника тадбирлари комплексини ўз вақтида ва тўла ҳажмда амалга ошира олмадилар, кўклам об-ҳаво шароитининг пахта етиштириш учун ноқулай бўлган оқибатларини бартараф қила олмадилар. Ғўзани ягана қилиш, суғориш ва озиқлантириш ишлари суст олиб борилди, ширага ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш олиб борилмади, пахта майдонларини ўт босди.

Июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб об-ҳаво шароити қулайлашди. Агар ғўза парвариши яхши ташкил қилинганида ўсимликнинг ривожланишидаги ва ўсишидаги қолоқликка бирмунча барҳам бериш мумкин бўлур эди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети бизнинг эътиборимизни бунга жалб этган эдилар. Бироқ кўпчилик районлар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети томонидан тавсия этилган тадбирлар комплексини амалга ошира олмадилар. Узунасига культивация ўтказиш юзасидан белгиланган топшириқ 80,5 процент, қўндаланг культивация ўтказиш юзасидан берилган топшириқ 49,5 процент, кетмон чопиғи юзасидан берилган топшириқ 75,5 процент бажарилди. Ўртоқ Нуриддинов ғўза парваришини яхши йўлга қўйишни таъминламаганликлари учун Бекобод, Оққўрғон ва Октябрь районларининг раҳбарларини қаттиқ танқид қилади. Боёвут, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе, Оққўрғон ва бошқа айрим районларнинг бир қатор колхоз ва совхозларида ғўзани қўндалангига культивация қилиш қисқартириб юборилгани учун ана шу районларнинг раҳбарлари ҳам жиддий танқид қилиндилар.

Ўртоқ Нуриддинов ғўзани суғориш, чопиқ қилиш, қатор ораларидаги ўтларни юлиб олиш, чеканка қилиш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга оширишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни кўрсатди ва уни келтириб чиқарган сабабларни очиб ташлади. У, кўпчилик колхоз ва совхозларда барча куч ва моддий ресурслар ишга солинмаганлигини, техникадан тўла фойдаланилмаётганлигини, район ва область ташкилотлари эса талабчанликни сусайтириб юборганликлари ҳамда хотиржамликка берилганликларини таъкидлади. Ўртоқ Нуриддинов кўзбўямачилик қилганликлари учун Оққўрғон районидаги Ворошилов номли, Тельман номли колхозларнинг раислари Отабоев ва Бўриев ўртоқларни, хотиржамлик ва магрурланиш кайфиятига берилганликлари учун Боёвут район партия комитетининг секретарлари Сардоров ва Исломов, Бекобод район партия комитетининг секретари Каримов ҳамда бошқа бир қатор ўртоқларни таҳқид қилди. Масалаларни суткашлик билан ҳал қилаётганликлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимларига нисбатан талабчанлик қилмаётганликлари учун область қишлоқ хўжалик бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Тожиев), область совхозлар трести (директори ўртоқ Иброҳимов), облсельхозснаб (Босиков, Алимов ўртоқлар) каби область ташкилотларининг раҳбарлари қаттиқ танқид қилиндилар.

— Олдимизда, — деб давом этди ўз сўзида ўртоқ Нуриддинов,— жиддий вазифалар турибди. Август ойи ичида ва сентябрь ойининг биринчи ярми давомида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишидаги қолоқликка барҳам беришимиз, ҳосил тўпланишини, унинг эрта етилишини ва сақлаб қолинишини таъминлашимиз лозим.

Бу вазифани амалга ошириш учун куч-ғайрат сарфлаб ишлаш, барча имкониятларни сафарбар қилиш зарур.

Асосий вазифа — август ойида ҳар бир тип ғўзада кам деганда 9-10 тадан кўсак ҳосил қилишдан иборат.

Ғўзани парвариш қилганда ҳар бир участкадаги ўсимликнинг ривожланиш хусусиятини қатъий равишда ҳисобга олиш ва шу асосда агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириш керак.

Ғўзаси ғовлаб кетган ва қалин бўлган майдонлардаги ортиқча ўсимлик туплари ҳаммасини ҳамда шу маҳалгача шакланган тугунча ва кўрак ҳосил бўлмаган шохларни юлиб ташлаш, чеканка қилганда ҳосил шохларнинг энг сўнгги кўсак ҳосил бўлган жойидан юқориги қисмини узиб ташлаш зарур. Ғўзаси турли сабаблар билан ўсишдан ва ривожланишдан орқада қолаётган участкаларда экинни парварлш қилишни бутун август ойи давомида ҳамда сентябрь ойининг биринчи ярмида сусайтирмасдан давом эттириш лозим. Шу муддат ичида ғўзага камида икки марта комплекс ишлов бериш, етарли равишда сув билан таъминлаш, август ойининг биринчи ўн кунлигида эса органик-минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирлш керак.

Пахта майдонларининг кўпчилигида ғўзаси ривожланиш жиҳатидан орқада қолган кичик участкалар мавжуд. Ана шу участкалардаги ғўзани қўшимча равишда озиқлантириш, суғориш ва ўсимликнинг ривожланишидаги қолоқликни бартараф қилиш имкониятини берувчи бошқа тадбирларни амалга ошириш шарт.

Икки-уч кун ичида қишлоқ хўжалик мутахассисларининг иштирокида ҳар қайси участкадаги ғўзанинг аҳволини ҳисобга олиб, ҳар бир бригада бўйича табақалаштирилган агротехника ва ташкилий тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарур.

Ғўзанинг аҳволи август ойида, айрим участкаларда эса сентябрь ойининг биринчи ярмида ҳам камида бир-икки марта культивация ўтказиш имкониятини беради. Культивация кўпроқ фойда келтириши учун ишчи органларини тўғри ўрнатиш, трактор ва культиваторларга ғўзанинг шикастланишига йўл қўймайдиган мосламалар ўрнатиш, культиваторнинг ғўзага шикаст етказадиган жойларини қоп-қанор билан ўраш керак. От-улов кучидан культивация қилишда кенг равишда фойдаланиш лозим.

Ғўзаси икки томонлама культивация қилинадиган барча участкаларда август ойида камида бир марта, экин ривожланиш жиҳатидан орқада қолган майдонларда эса икки марта қўндаланг культивация ўтказиш керак. Ўртасарой райони пахтакорларининг қўндалангига культивация ўтказганда трактор ва от культивациясининг ишини бир-бирига мувофиқлаштириб ташкил этиш соҳасидаги тажрибасини кенг оммалаштириш зарур.

Колхоз ва совхозларнинг даласида ўт кўп ва у ҳосилга катта зарар етказиши мумкин. Ҳосил тўплашни кучайтириш ва ҳосил элементларини сақлаб қолиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ўтларни йўқ қилиб ташлаш, август ойи давомида ғўзани органик ўғитлар билан, айниқса шарбат қилиб оқизган ҳолда фекал ўғитлар билан қўшимча равишда озиқлантириш лозим. Ғўзаси ривожланиш жиҳатидан орқада қолаётган майдонларда, истисно тариқасида, август ойининг биринчи ўн кунлигида эканнл азотли минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан озиқлантириш керак. Шунингдек август ойида авиация ва трактор аппаратлари ёрдами билан ғўзани камида икки марта барги орқали озиқлантириш тавсия этилади.

Чеканкани ўз вақтида ўтказиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбир ҳосил элементларнинг сақлаб қолинишини ва кўсакларнинг пишишини тезлаштиришни таъминлайди. Шунингдек, суғоришни ўз вақтида ва юқорл сифатли қилиб ўтказиш ҳамда ўргимчаккана ва ғўза қуртига қарши жиддий кураш олиб бориш керак.

Сўнгра ўртоқ Нуриддинов пахта ҳосилининг тез етилишига имкон беруувчи тадбирларга тўхталади. Йиғилиш қатнашчиларнинг эътиборини колхозчилар ва совхоз ишчиларига яхши моддий-маиший шароитлар яратиб бериш, партиявий-ташкилий ҳамда оммавий-агитация ишларининг савиясини ошириш масаласига жалб этади. 10 августгача дала шийпонларини жиҳозлашни тамомлаш зарур. Далада иссиқ овқат ташкил қилиш, имконият бўлган жойларда овқатни бир жойда тайёрлаб, сўнг уни иссиқ ҳолида далага етказиб беришни қўллаш лозим. Шунингдек болалар муассасаларининг ишини яхшилаш, пахтакорларга савдо ва медицина хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйиш керак.

Шундан сўнг ўртоқ Нуриддинов пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталди.

Ўртоқ Нуриддинов ўз сўзининг охирида катта ёрдам кўрсатганликлари учун ўзаро текшириш бригадаларининг аъзоларига ташаккур билдирди, актив йиғилишда қатнашчиларини, областнинг барча меҳнаткашларинқ пахтакорларнинг традицион байрами — «Пахта байрами»ни пахта учун қурашда янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда қарши олишга чақирди.

Актив йиғилиши кенг қарор қабул қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Камолов қатнашди.**

Саноатни ривожлантиришда янги муваффақиятлар сари

(Октябрь район партия-хўжалик активи йиғилишидан)

Октябрь райони саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида Тошкент шаҳри районлари ўртасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Завод, фабрика, қурилиш ва ҳунармандчилик артелларининг коллективлари 1958 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўз зиммаларига йиллик планни муддатидан илгари бажариш, пландагидан ташқари 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини бирмунча ошириш мажбуриятини олган эдилар. Район меҳнаткашлари Киров район меҳнаткашларини мусобақага чақирган эдилар.

Яқинда бўлиб ўтган район партия-хўжалик активи йиғилишида шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида олинган мажбуриятлар қандай бажарилганлиги масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда райком секретари ўртоқ **Ш. Шоисломов** доклад қилди.

Район саноати ярим йиллик планни муддатидан илгари — 23 июлда бажарди. Пландагидан ташқари 37 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги 3,1 процент оширилиб, маҳсулотнинг таннархи 1,6 процент камайтирилди. Ирригация машинасозлиги, механика, чинни заводлари, 2- пойафзал фабрикаси каби илғор корхоналарнинг коллективлари айниқса яхши натижаларга эришдилар.

Корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқариш экономикасига чуқурроқ аралаша бошладилар. Улар камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўриб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни оперативлик билан ҳал қилмоқдалар. Корхоналарда ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари яхшироқ амалга оширила бошлади.

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб боришга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Коммунист ва комсомоллар социалистик мусобақага бошчилик қилаётирлар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қароридан келиб чиқадиган талаблар ва касаба союз комитетларининг ҳуқуқи ҳақидаги янги Низом муносабати билан касаба союз фабрика ва завод комитетларининг активлиги бирмунча ошди.

Район саноат корхоналарининг коллективлари иккинчи кварталда яхши натижаларга эришдилар ва шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, Тошкент шаҳар партия комитети ҳамда шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Агар корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан жиддий кураш олиб борганларида, ички резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланганларида янада яхшироқ натижаларга эришилган бўлур эди.

Бир қатор корхоналарда бир меёрда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, белгиланган графикларга тўла риоя қилинмаётир, штурмчиликка тўла барҳам берилмаган, бракка йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш дадил амалга оширилмаётганлиги натижасида ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида ҳали ҳам қўл кучидан кўплаб фойдаланилмоқда.

— Бизнинг корхонамиз, — деди чинни заводининг директори ўртоқ **Ҳусанов** — планни системали равишда ошириб бажармоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 6,5 баравар кўпайди. Аммо биз аҳолининг корхонамиз маҳсулотига бўлган талабини ҳануз қондиролмаётирмиз. Заводда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мумкин. Аммо меҳнат унумдорлигини оширишга ишлаб чиқариш процесслари етарли механизациялаштирилмаганлиги, қўл кучидан кўплаб фойдаланилаётганлиги тўсқинлик қилмоқда.

Пиғилиш қатнашчилари корхоналарни ҳомашё ва материаллар билан таъминлашдаги камчиликларни кўрсатдилар. Ҳомашё ва материалларни етказиб берувчи ташкилотлар ўз мажбуриятларини бажармаётирлар. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши бу масалага етарли эътибор бермаётир. 1- мебель фабрикаси партия ташкилотининг секретари **Ражабов**, кровать заводи касаба союз комитетининг раиси **Перман** ва бошқа ўртоқлар ана шу ҳақда гапирдилар. Чинни заводининг директори ўртоқ Ҳусанов йирик корхоналарнинг майда корхоналарга оталик ёрдамини ташкил қилиш ҳақида таклиф киритди. Улар майда корхоналарда ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга ёрдам беришлари лозим.

Актив йиғилишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ф. Хўжаев** сўзлади. Ўртоқ Хўжаев шаҳар районлари корхоналарининг коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққани учун Октябрь районига шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Илғор ва жамоатчи қиз

Аня ўтган йили ўрта мактабни тугатгач ҳеч иккиланмай ишлаб чиқаришга боришга аҳд қилди. Шу мақсадда шаҳардаги «Электрошчит» заводига келганда, унга токарлик касбини ўрганишни тавсия қилдилар. Меҳнат қилиш иштиёқи тўлиб тошган Аня бунга рози бўлди. Уни тажрибали мастер Степан Степанович Шевелевга шогирд қилиб бириктиб қўйдилар.

Аввалларн бу касбни ўрганиш анча қийиндек туюлди. Аммо токарликни эгаллашга бўлган интилиш Анянинг бу қийинчиликларни бартараф қилишига ёрдам берди. Қобилиятли шогирд қисқа вақт ичида токарлик станоги ва унда деталларни ишлаш усулларини пухта ўрганди.

Комсомол аъзоси Аня Короткевич ВЛКСМ 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган ҳаракатга қўшилиб, унумли меҳнат қилмоқда. Шу кунларда у смена нормасини 160-180 қилиб бажараётир.

Суратда: Токарь Аня Короткевич станокда деталь ишлаётир.

Текст ва фото Б. Артёмовники.

Чирчиқ шаҳри.

Газеталар хабар қилади

▲ Оҳангарон шаҳридаги кўмир қидирувчилар партияси йил бошидан бери самарали ишлаб, ойлик топшириқларини доимо икки баравардан бажармоқдалар. Ҳозир коллектив сентябрь ойи ҳисобига ишлямоқда. В. Гаязов, Я. Паркин каби мастерлар пармалаш ишларида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

(«Ўзбекистон шахтёри»).

▲ Юқори Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозида қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бу ерда қисқа вақт ичида электростанция, тегирмон, молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир янги қизил чойхона ва магазин биноси қурилмоқда.

(«Алға»).

▲ Янгийўлдаги консерва заводи қошида юридик консультация ташкил этилди. Старший инженер Беликов, юрист Попов ўртоқлар меҳнат қонунлари, пенсия ва уй-жой, маданий-маиший масалалар юзасидан ишчиларга консультациялар бермоқдалар.

(«Ленинское зманя»).

ТАСС баёноти

Бағдод пакти деб аталган ҳарбий блок Кенгашининг Лондонда 28 — 29 июлда сессияси бўлиб ўтди. Сессиянинг ишида Англия, Туркия, Эрон ва Покистоннинг бош министрлари, шунингдек АҚШ давлат секретари Даллес қатнашдилар. Кенгаш қатнашчилари орасида бу сафар Ироқ вакили бўлмади. Ғарб давлатларининг мўлжалларига кўра, Ироқнинг бу блокда аъзо бўлиб туриши АҚШ ва Англиянинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳарбий сиёсий тадбирларида бошқа араб мамлакатларини қатнаштиришни таъминлаши лозим эди. Ироқдаги революцион ўзгариш Ироқни Бағдод пактига тортган сотқин Нури Саид тўдасини супуриб ташлади ва мустамлакачилик занжирларини ўз устидан улоқтириб ташлаган ёш Ироқ Республикаси мустақил ривожланиш йўлига тушиб олди.

Қўшма Штатлар ҳамма чоқлари ситилиб кетаётган агрессив блокни сақлаб қолишга интилиб, ўз ниқобини олиб ташлашга ва шу пактдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўла равишда ўз зиммамизга олишга тайёрмиз, деб айтишга мажбур бўлди. Маълумки, Қўшма Штатлар узоқ вақтдан бери бу ташкилотнинг асосий органларида бевосита қатнашиб келмоқда, пактда қатнашувчи мамлакатлар учун қурол-яроғ етказиб бераётган асосий мамлакат бўлиб келмоқда ва шу пакт доирасида ўтказилаётган ҳарбий тайёргарликлар билан боғлиқ бўлган харажатларнинг катта қисмини тўламоқда. АҚШ Англияни аллақачон иккинчи ўринга суриб чиқариб қўйди, ваҳоланки ўз вақтида Англия Бағдод пактини вужудга келтириш йўли билан Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўзининг мустамлакачилиқ позицияларини мустаҳкамлаб олишга умид қилган эди. Ҳақиқатда Қўшма Штатларнинг ўзи Бағдод пактининг раҳбари бўлиб, унинг бутун фаолиятини йўллаб келмоқда. Бинобарин, илгари АҚШ четдан туриб раҳбарлик қилиб келган бўлса, эндиликда мустамлакачиларнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим бўлган агрессив блокнинг корчалони бўлиб, ошкора майдонга чиқди.

Сессиянинг иши натижасида унинг ҳамма қатнашчилари, шу жумладан «кузатувчи» Даллес томонидан имзоланган махсус декларация, шунингдек қисқача ахборот қабул қилинди. Декларациянинг деярлик ҳар бир сатрида, кенгаш қатнашчилари фақат «ўз мудофаасини мустаҳкамлаш», «ўз коллектив хавфсизлигини қувватлаш», «агрессияга қаршилик кўрсатиш» ва шу сингариларнинг ғамини емоқдалар, деб таъкидланади. АҚШ ва Англиянинг Ливанда ва Иорданияда қуролли интервенция қилганлигини бутун дунё яққол кўриб турган ҳозирги вақтда, хавфсизлик ва мудофаа тўғрисидаги бу сўзларнинг ҳаммаси, айниқса қалбаки сўзлар бўлиб эшитилмоқда.

Ахборотда кенгаш қатнашчилари АҚШ ва Англиянинг Ливанга ва Иорданияга қилган агрессиясини ошкора маъқуллаб чиқишдан уялмадилар ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқдаги агрессия доирасини кенгайтиришга тайёр эканликларини барала айтиб ўтдилар. Лондон кенгашининг қатнашчилари Араб Шарқи мамлакатларининг ички ишларига аралашаётганликларини ва ўзлари қилган интервенцияни оқламоқ учун Ироқ, Ливан ва Иордания халқларининг ўз миллий мустақилликлари йўлида олиб бораётган курашини «билвосита агрессия» деб кўрсатмоқдалар, ваҳоланки ҳақиқатда АҚШ билан Англиянинг ўзи бевосита агрессия қилаётганлиги очиқ кўриниб турибди.

Декларация ва ахборот билан танишиб чиққандан кейин, беихтиёр шундай савол туғилади: хўш, Бағдод пактининг аъзолари ўзларини кимдан ҳимоя қилмоқчилар ва уларнинг хавфсизлигига ҳамда мустақиллигига ким таҳдид қилаётир? «Коллектив хавфсизлик» тўғрисида хўжа кўрсинга қилинаётган бу ғамхўрликнинг замирида ҳақиқатда нима яширинган ётибди? Ҳатто, америкаликларнинг ўзлари эътироф қилиб айтаётган гапларга қараганда ҳам араб армиялари пакт аъзолари учун таҳдид солиши мумкин эмас-ку.

Модомики шундай экан, нима учун АҚШ, Англия, Туркия, Эрон ва Покистон вакиллари Лондонда тўпландилар? Фактлар шуни жуда яққол кўрсатиб турибдики, ҳақиқатда Лондон кенгаши яқиндагина мустақил ривожланиш йўлига кирган араб мамлакатларига қарши ва аввало Бирлашган Араб Республикасига ҳамда Ироқ Республикасига қарши янги агрессия режаларини тузаётган фитначиларнинг йиғинидан бошқа нарса бўлгани йўқ. АҚШ ва Англия Ливанда ва Иорданияда қуролли интервенция қилиб, энди Бағдод пактидаги ўз шериклари билан бирликда агрессияни янада ривожлантириш учун ҳозирланмоқдалар.

Ливанда Американинг қуролли кучларини тўплаб қўпайтириш давом этмоқда. Матбуот хабарларига қараганда, Ҳальде аэродромига ҳар беш минутда Американинг транспорт самолётлари келаётир, Ливан территориясида қурол-яроғ, ўқ-дори ва ҳарбий анжомлар сақлайдиган ҳарбий складлар қурилмоқда. Америка 6-флотининг 70 дан кўпроқ кемаси Ливан соҳили атрофида изғиб юрибди. Шу кемаларда ҳарбий операцияларни бажаришга минут сайин тайёр бўлиб турган юзлаб ҳарбий самолётлар бор.

Туркияда, Сурия чегараларига бир неча минутда учиб бориш имкониятини берадиган Адана районида Американинг 150 дан кўпроқ ҳарбий самолётлари, шу жумладан энг янги «100 суперсейбр» реактив самолётлари ва бомбардимончи «B-57» самолётлари тайёр бўлиб турибди. Бу ерга Америка қўшинлари ва ҳарбий техникаси ҳам тинимсиз келтирилмоқда. Искандирунда жойлашган турк қўшинлари ошиғич равишда Бирлашган Араб Республикасининг Сурия райони чегараларига келтирилмоқда. Турк қўшинлари Ироқ чегараларида ҳам тўпланмоқда. Шу билан бир вақтда Туркияда резервистлар сафарбар қилинмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Ироқ Республикасига ва Бирлашган Араб Республикасига ҳужум қилмоқ учун кўрилаётган тайёргарлик эканлигини Туркиянинг раҳбар давлат арбоблари, ҳатто, яширишни ҳам лозим деб ҳисоблямаётирлар. Жумладан, буни яқинда Туркиянинг ташқи ишлар министри Зорлу ошкора айтди.

НАТОнинг Ғарбий Германиядаги ва бошқа жойлардаги ҳарбий базаларидан 16 июлдан бошлаб Эронга «алоҳида мақсадлар учун мўлжалланган молларнинг» катта-катта тўдалари ва хабарларда айтилишича, Американинг бошқа кийим кийиб олган ҳарбий хизматчиларидан иборат бўлган «туристлар»нинг жуда кўп группалари ошиғич равишда юборилмоқда. Мана шу «туристларнинг» ҳаммаси дарҳол Эрон-Ироқ чегарасига яқин жойлардаги Дисфул, Кермоншоҳ ва бошқа шаҳарларга жўнатилмоқда. Эронда ҳам резервистлар армияга чақирилмоқда ва йирик аскарий қўшилмаларнинг жойлари ўзгартирилмоқда.

Эрон кўрфазининг Ироқ жанубидаги районида инглиз қуролли кучлари тўпланмоқда. Жумладан, 24-пиёда аскарлар бригадаси Кениядан Баҳрайн оролларига келтирилди. Инглиз қўшинлари Лаҳаж, Кувайт ва Уммон султонликларининг ерларига тушириллди.

Иорданияда инглиз парашютчиларининг сони тўхтовсиз кўпайтирилмоқда ва ҳозирги вақтда 5 минг кишидан ошиб кетди. Иордания короли Хусайн ўз ажнабий хомийларининг кўрсатмасига амал қилиб, қилич яланғочламоқда ва интервенциячилар қўшинларининг ёрдами билан Ироққа қарши уруш қилишга тайёрланаётирман, деб ошкора айтмоқда.

Ироил гарчи расмий равишда Бағдод пактининг қатнашчиси бўлмаса ҳам, лекин ғарб давлатларининг агрессив тадбирларини очиқдан-очиқ қувватлаб, Англия ва Америка қўшинларини ҳамда ҳарбий анжомларини ўз территорияси орқали олиб ўтишга рухсат бермоқда, шунингдек сафарбарлик тадбирларини кўрмоқда.

Мана шу фактларнинг ҳаммаси Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари устидаги хавф нақадар ғўр эканлигини ва Осиёда бу агрессив блокнинг аъзолари бўлган мамлакатлар кимларнинг манфаатларига хизмат қилаётганликларини очиқ кўрсатиб турибди. Ҳаммадан кўра ҳам шу мамлакатларнинг ҳукуматлари Ироқда яқинда бўлиб ўтган воқеалардан ўзлари учун баъзи бир хулосалар чиқариб олсалар, чакки бўлмас эди. Маълумки, Нури Саид Ироқ қўшинларидан, бошқа араб мамлакатидаги халқ ҳаракатини бостириш учун фойдаланишга урининганида, унинг бу уриниши фақат Нури Саиднинг ўзи учунгина эмас, шу билан бирга, Ироқдаги чириб қолган бутун илгариги режим учун жуда аянчли бўлиб тугади. Ҳозирги вақтда Яқин ва Ўрта Шарқда рўй бераётган реал вазиятга ҳушёрлик билан баҳо бериш қобилиятини йўқотган ва замонинг руҳи билан ҳисоблашишни истамаётган кишиларгина ҳарбий авантюралар йўлига ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши ошкора кураш йўлига киришлари мумкин.

Бағдод блоки намояндаларининг ўзлари кечагина Ироқни мақтаб юрган эдилар, чунки мустамлакачиларнинг сотқин агентлари Ироқда бошлиқ бўлиб турган эди. Улар бошқа араб мамлакатларини шу блокка тортмоқ учун Ироқни кўз-кўз қилиб, ундан фойдаланишга уринган эдилар. Энди,Ироқ халқи ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин Бағдод пактининг қатнашчилари, шу жумладан бу пактнинг қатнашчилари бўлган ислом мамлакатларининг ҳукмрон доиралари Ироқ Республикасининг халқи мустамлака қуллиги бўйинтуруғини тақиб юришни ортиқ истамай, ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлига дадиллик билан тушиб олганлиги учунгина Ироқ Республикасига зарба уриш мақсадида пичоқ қайрамоқдалар. Мана шундай қилинаётгандан кейин, Ғарб давлатларининг раҳбарлари томонидан инсоннинг эркинлиги ва ҳуқуқлари тўғрисида, сиёсий ва диний эътиқодларни ҳурматлаш тўғрисида оғиз кўпиртириб риёкорлик билан айтилаётган ҳар хил гапларга ҳеч ким ишонмайди.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, ўзининг ҳаққоний ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган эрксевар Ироқ халқига қарши Бағдод пакти қатнашчилари томонидан тайёрланаётган агрессия қилинадиган бўлса, бошқа тинчликсевар халқлар агрессия қурбонига албатта ёрдам берадилар.

Яқин ва Ўрта Шарқ районидаги тангликни тинч йўл билан ҳал қилишни таъминлайдиган ошиғич чоралар кўриш мақсадида юксак доирада кенгаш чақириш учун Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар бутун куч ва ғайратларини сарфлаб турган бир вақтда, Лондон кенгашининг қатнашчилари ҳарбий можарони янада кескинлаштиришга қаратилган янги агрессив тадбирларни ишлаб чиқмоқдаларки, энди бу нарса ҳамма учун аён бўлиб қолди. Шу муносабат билан, жаҳон халқларининг қатъий талабларига хилоф равишда юксак доирада дарҳол кенгаш чақиришдан бўйин товлаётган Қўшма Штатлар ва Англия ҳукуматларининг ҳозирги вақтда ишлатаётган галга солиш ва орқага суриш тактикасининг моҳияти тагин ҳам равшанроқ бўлиб қолмоқда.

Шу айтилганларга биноан, Бағдод пакти қатнашчилари бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг эътиборини шу нарсага жалб қилмаслик мумкин эмаски, агрессияни янада авж олдириш учун ва бу агрессиядан келиб чиқадиган оқибатлар учун бутун жавобгарлик Қўшма Штатлар ва Буюк Британия ҳукуматларининг устига, шунингдек империалистик давлатлар сиёсатига эргашиб бораётган Бағдод блоки қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг раҳбар доиралари устига тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ҳақли талаб“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 1958 йил 3 июль сонида Тошкент аҳолисининг шаҳарда душхоналар қуриш тўғрисидаги талабига эътибор берилмаётганлиги ҳақида хабар босилган эди.

Аниқланишича, суви офтобда иситиладиган душ проектини тузиш шаҳар проект конторасига ўтган йилнинг декабрь ойида топширилган бўлса-да, ҳануз бажарилмаган.

Бу масала шу йил 25 июлда шаҳар ижроия комитетида кўрилиб, душхона проектини 10 кун ичида тузиб тамомлаш «Горпроект» бошлиғи ўртоқ Якушевга топширилган.

Шаҳар меҳмонхона-ҳаммомлар трести бошқарувчиси ўртоқ Расулев редакцияга хабар қилиб, «Горпроект» душхона проектини топшириши билан дарҳол шаҳарнинг бир неча жойида душхоналар қурилишини билдирди.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Темир йўл транспорти хизматини янада яхшилаймиз

А. ҚОДИРОВ,

Тошкент темир йўлининг бошлиғи

Темир йўл хўжалиги халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимиз пўлат изларни социалистик мамлакатнинг қон томири деб атайди. Шунинг учун ҳам ҳали мамлакатимиз гражданлар урушининг оғир жароҳатларини тўла тузата олмаган, интервенцияга қарши шиддатли кураш олиб бораётган пайтларда шонли Коммунистик партия ва унинг гениал йўлбошчиси В. И. Ленин темир йўл транспортини қандай бўлмасин юқори погонага кўтариш тўғрисида ўйладилар. Улуғ Ленин, темир йўл бу шаҳар билан қишлоқ, саноат билан деҳқончилик ўртасидаги алоқанинг энг ёркин ифодасидир, деб темир йўл транспортига ғоят юксак баҳо берган эди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Владимир Ильичнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, темир йўл транспорти хўжалигини ҳар тарафлама ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келаётир. Ўтган қисқа вақт ичида Тошкент темир йўли магистралларида мисли кўрилмаган катта ўзгаришлар юз берди. Тепловоз ва паровоз деполари, юк ортиш ва тушириш пунктлари, вокзал ва станциялар, темир йўл изларини ҳозирги замон совет фани ва техникасининг энг мукаммал механизмлари билан таъминланди. Бу, пўлат магистралларда хизмат қилаётган ўн мингларча темир йўлчиларимизнинг меҳнатини енгиллаштирди, юк ортиш ва тушириш ҳамда ташишни жадал суръатлар билан олиб бориш имкониятини берди.

Деполарга келтирилаётган ТЭ-1, ТЭ-2, ТЭ-3 сингари қудратли тепловозлар, мукаммал механизмлар темир йўлчиларимиз қўлида қудратли куч бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ хўжалиги юкларини муттасил етказиб беришда кейинги вақтларда жуда катта муваффақиятларга эришилди. Шуни айтиш кифояки, урушдан сўнгги йилларда Тошкент темир йўли хўжалигини янги техника билан мустаҳкамлаш ҳамда темир йўл тармоқларини қуриш учун Совет ҳукумати 700 миллион сўм маблағ сарфлади.

Маълумки, кейинги йилларда бутун мамлакатимиз темир йўл транспорти, шу жумладан Тошкент темир йўли энг янги транспорт воситалари билан қайтадан ускуналанди. Тезлиги унча баланд бўлмаган, эскириб қолган паровозлар ўрнини қудратли тепловозлар олди. Шу муносабат билан енгил типдаги темир йўл излари ўрнига оғир пўлат излар ўрнатилди. Бу, поездлар оғирлигини, ҳаракат тезлигини янада ошириш имконини берди.

Республикамизнинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва айниқса қурилиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу ҳол аҳоли зич бўлган, юк кўп ташиладиган ўчасткаларда қўшимча темир йўл магистралларини ётқизиш айрим йирик участкалардаги изларни кўпайтиришни талаб қилди. Темир йўл Тошкент бўлимининг меҳнатсевар хизматчилари бу вазифани муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Шунингдек, ҳозирги вақтда Тошкент ва Урсатьевск оралиғида кучли ва тезлиги баланд бўлган ТЭ-3 совет тепловозлари қатнаётир.

Темир йўл Тошкент бўлимида юк ортиш ва туширишни кўпайтириш билан бирга, пассажирларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам кескин яхшиланди. Бу ердан ҳар куни жўнатилаётган ўнлаб поездлар комфортабель целно-металл вагонлардан иборатдир. Айниқса Тошкент вокзали ўз қиёфасини бутунлай ўзгартириб бораётир. Бу ерда ҳадемай янги вокзал қурилиши бошланади, шу йилнинг ўзида қурилаётган тоннель битказилади. Тошкент темир йўл бўлимининг бошқа станцияларида ҳам ана шундай катта ўзгаришлар бўлаётир.

Темир йўлчилар йил бошидаёқ социалистик мажбуриятлар олиб, транспорт воситаларидан фойдаланишда энг янги методларни кенг қўлланиш, ички резервларни қидириб топишга ҳаракат қилаётирлар. Бу соҳада темир йўл Тошкент бўлимининг локомотив машинистлари маҳорат кўрсатмоқдалар. Улар сўнгги икки йил давомида социалистик мусобақанинг ғолибларидирлар. Депо машинистлари тепловозларнинг техник ва коммерция тезлигини оммавий суратда ошириш, оғир поездларни кўпроқ олиб бориш билан бирга, ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишга эътибор бермоқдалар. Шу сабабли ҳам шу йилнинг 6 ойи давомида улар олиб борган юк поездларининг қарийб 50 процени оғир юклидир. Бу коллектив оз меҳнат, кам материал сарфлаб, ғоят катта ҳажмдаги халқ хўжалиги юкларини манзилга етказиб берди. Темир йўл Тошкент бўлимининг машинистларидан Тўлаганов, Мақсудов, Шарковский, Жеманов, Озеров, Карпов ва бошқа ўртоқлар оғир юкли поездларни катта тезликда бошқариб бермоқдалар ҳамда жуда кўп ёнилғи иқтисод қилаётирлар. Улар поездлар оғирлигини кундан-кун оширмоқдалар.

Темир йўл Тошкент бўлимининг деярли барча станцияларида поездларни тузишда юқори унум берадиган методлар кенг қўлланилмоқда. Бу, вагонларнинг бекор туриб қолишига қатъий хотима бераётир. Ўтган ярим йил мобайнида қарийб 16 минг юк поезди тезкор усул билан тузилди. Бунинг натижасида 415 минг вагон-соат тежалди. Шунингдек, 10 мингдан кўпроқ транзит поездлари ҳам илғор методларга асосланган ҳолда жўнатилиб, 32 минг вагон-соат иқтисод қилинди.

Составларни тузиш ва уларни жўнатишда диспетчерлар, кондукторлар резервидаги темир йўлчилар, маневрчи-машинистлар ташаббускор бўлмоқдалар. Талантли, ташкилотчи диспетчерлардан А. Аҳмедов, И. Бисмолов каби ўртоқлар ўзларининг ишбилармонлиги, оператив иш кўришлари билан шуҳрат қозонганлар. Ф. Саъдуллаев, С. Маҳмудов каби моҳир кондукторлар, Абдужабборов, Раҳимов, Сердюков сингари Тошкент-товар станциясининг поезд тузувчилари тезкор усул билан меҳнат қилаётирлар.

Яқинлашиб келаётган Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олаётган Урсатьевск станцияси, Тошкент вокзали ҳамда Сирдарё темир йўл участкалари коллективлари шу кунларда янада самаралироқ хизмат қилмоқдалар.

Вагонларнинг юк кўтариш қувватидан тўла фойдаланишда тарозибон ҳамда юкчиларнинг хизмати каттадир. Иттифоқимиз темир йўл магистралларининг новатор тарозибонлари эришган прогрессив методларни кенг қўлланиш, вагонлар қувватидан рационал фойдаланиш имкониятини бермоқда. Вагонларга юкни зичлаб жойлаштиришда ҳам темир йўл Тошкент бўлимининг тарозибон ва юкчилари ўрнак бўлмоқдалар. Кауфманская станциясининг рационализатор тарозибони П. Нестеренко, Чирчиқ станциясининг тажрибали тарозибони Т. Боймуротов, Тошкент-товар станциясининг меҳнатсевар тарозибони А. Трофименко ўртоқлар вагонларга юк ортишнинг энг рационал шаклларини қидириб топмоқдалар. Ижодий меҳнат қилиш уларнинг севимли касбига айланган. Саноат корхоналари транспорт цехларининг коллективлари ҳам темирйўлчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ижодий ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилган юкчи ва тарозибонларимиз 6 ой ичида бир неча минг вагон иқтисод қилиб, планга қўшимча равишда 300 минг тонна юк ортдилар.

Бўлимнинг йўлчи ва вагончилари, алоқа ва қурувчилари, шунингдек темир йўл транспортида меҳнат қилаётган ҳамма касб эгалари ўзларининг традицион байрамларини меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш билан кутиб олаётирлар. Бирорта темир йўлчи йўқки, у янгилик қидирмасин, ўз меҳнатининг унумдор бўлишига тиришмасин. Ички резервларни қидириб топишда, техника ва технология процессларини янада такомиллаштиришда, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишда темир йўлчи рационализатор ва ихтирочиларнинг катта ҳиссадори бор. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Тошкент темир йўли бўйича 1300 та қимматли рационализаторлик таклифлари тушди. Булардан қарийб 1000 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 900 минг сўм давлат маблағи тежаб қолинди. Ана шу таклифларнинг кўпчилиги темир йўл Тошкент бўлимининг меҳнатсевар коллективидан тушди.

Коллективимиз давлат томонидан кўрсатилаётган катта ёрдамга суяниб, темир йўл транспорт хизматини яхшилашга, социалистик мусобақани қизитиш йўли билан локомотивларнинг қувватидан максимал фойдаланишга, пассажирларга маданий-маиший хизматни яхшилашга эришмоқда.

1958 йилнинг биринчи ярим йиллик плани юк ортиш бўйича 105,7 процент бажарилди ва ҳар бир вагонга белгиланганидан 40 тонна кўп юк ортилди. Юк поездларининг техника тезлиги бўйича белгиланган план ортиғи билан бажарилди. Бу муваффақиятлар меҳнат унумдорлигини белгиланганидан қарийб 7 процент ошириш ҳамда юк ташиш таннархини 4,2 процент камайтиришга олиб келди. Агар бу оддий рақамлар сўм билан ҳисобланса, миллионларни ташкил этади.

Партия ва Совет ҳукумати темир йўлчиларимизнинг маданий-маиший фаровонлигини янада яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Уларнинг уй-жой, маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга кўплаб маблағ сарфланаётир. Сўнгги икки йил ичида Тошкент темир йўли ходимлари учун 44 минг квадрат метр уй жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу йил яна 32 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой битказилиб, темир йўлчиларга берилади. Минглаб машинистлар, диспетчер ва поезд тузувчилар ҳамда бошқа касб эгалари санаторий ва дам олиш уйларида бўлдилар.

Партия ва ҳукуматнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан фидокорона меҳнат қилаётган коллективимиз эришилган ютуқлар олдида эсанкирамасликни, бугун эришилган муваффақиятларни эртага яна ҳам мустаҳкамлашни унутмайдилар.

Хўжалигимиз ғоят кенг тармоқли бўлганлиги учун, унда камчиликлар йўқ деб бўлмайди. Хусусан, поездларнинг хавф-хатарсиз қатнашини таъминлайдиган бир қатор тадбирларни амалга оширишимиз керак. Кўпгина темир йўл бўлимларида поездларнинг қатъий график асосида қатнашига эришилмаётир, локомотивларнинг суткалик ўртача тезлигини ошириш ҳам қониқарли эмас. Вагонлар оборотини кенгайтиришга ҳам дуруст эътибор берилмаётир. Шунингдек пассажирларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга жиддийроқ қарашимиз керак.

Ҳозир темир йўлчиларимиз олдида муҳим вазифа турибди. Бу, куз ва қиш ойларида халқ хўжалиги юкларини ўз вақтида ташиб беришдан иборатдир. Шунинг учун улар ёзнинг қолган кунларини ғанимат билиб, хўжаликнинг қиш шароитларида ҳам тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлашлари керак. Ҳадемай кўриқ ва бўз ерларда етиштирилган галла ҳосилини ташишга киришилади. Мирзачўлда олиб борилаётган катта ишлар учун керакли материалларни ўз вақтида етказиб беришимиз керак, айниқса янги пахта ҳосилини ташиб беришга жиддий муносабатда бўлишимиз лозим. Республика пахтакорларининг мамлакатимизга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш учун курашаётган олижаноб ҳаракатларига амалий ёрдам бериш — Тошкент темир йўли бўлими ходимларининг энг асосий вазифасидир. Айниқса Сирдарё, Ховос ҳамда ана шу участкалар оралиғидаги темир йўл станцияси меҳнаткашлари пахта йиғим-терими бошлангунга қадар барча ишларни тахт қилиб қўйишлари лозим.

Пахта ортиладиган вагонларнинг пухта ремонт қилиниши — муҳим халқ хўжалиги маҳсулотини — пахтани хавф-хатарсиз саноат корхоналарига етказиб беришда катта роль ўйнайди. Шунинг учун вагон парклари ҳамда темир йўл станциялари ҳузуридаги складларнинг ходимлари ўзларига катта ва жиддий масъулият юкланганлигини ҳис қилишлари керак. Партия ва ҳукумат биздан ана шуни талаб қилади.

1958 йилда Тошкент темир йўли ходимлари ўтган йилларгагига қараганда анча кўп юк ташишлари керак. Бунинг учун ҳаракатлаги составлардан фойдаланишни кескин яхшилашимиз, вагонлар оборотини, локомотивлар тезлигини, поездлар оғирлигини тинмай оширишга жиддий эътибор бериш зарур.

Тошкент темир йўлчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бундан кейин ҳам кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қиладилар.

Совет халқининг овози

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Д. Хаммаршельдга телеграммаси

Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан ишчилар ва хизматчиларнинг, колхозчилар ҳамда олий ва ўрта ўқув юртлари ўқувчиларининг митингларида ва йиғилишларида қабул қилинган жуда кўп резолюциялар кейинги ўн кун ичида тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети адресига ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг адресига келиб тегди.

АҚШ ва Буюк Британиянинг Араб Шарқи мамлакатларининг ички ишларига қурол кучи билан аралашаётганлиги, Америка қўшинларининг Ливанга ва Англия қўшинларининг Иорданияга киргани қуролли интервенцияси бу иккала мамлакат қўшинлари Ироққа ва бошқа араб мамлакатларига ҳужум қилишга ошкора тайёрланаётганлиги барча совет кишиларининг қаттиқ газабини қўзғатди.

Англия-Американинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги агрессиясига қарши Совет Иттифоқининг ҳамма жойида — Узоқ Шарқда ва Белоруссияда, Чекка Шимолда ва Кавказда, Сибирда ва Ўрта Осиёда, заводлар ва фабрикаларда, колхозлар ва совхозларда, муассасалар ва ўқув юртларида норозилик митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтди.

Совет кишилари шу митингларда ва йиғилишларда қабул қилган резолюцияларида Англия-Американинг Араб Шарқидаги агрессияси жаҳон урушининг бошланиб кетиши учун реал хавф туғдираётганлиги сабабли бу агрессияга дарҳол чек қўйишни талаб қилмоқдалар. Шу билан бир вақтда совет кишилари умумий тинчлик ва халқаро хавфсизлиги учун қалтис бўлиб турган шу пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун дунёда тинчликни ва адолатни таъминлашдан иборат ўзининг фахрли вазифасини бажаради, деб ишонч билдирмоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Д. Хаммаршельдга телеграмма юбордилар. Телеграммада, жумладан, бундай дейилади:

Совет Иттифоқининг ишчилари ва хизматчилари, фан ва маданият аҳиллари, колхозчилари ва ўқувчилари Англия-Американинг Ливан ва Иорданиядаги агрессиясини якдиллик билан қоралаб, АҚШ ва Англиянинг қўшинларини шу мамлакатлардан дарҳол олиб чиқиб кетишни ва араблларга ўз тақдирларини ўзлари бошқариш ҳуқуқини беришни талаб қиладилар.

— Ливандан қўлингни торт!

— Иорданиядан қўлингни торт!

— Араб халқларидан қўлингни торт!

— Арабларни кулфатда қолдирмаймиз, — шу кунларда совет кишилари мана шундай демоқдалар.

Митинглар, йиғилишлар ва намойишларнинг қатнашчилари Совет ҳукуматининг Яқин Шарқдаги воқеалар масаласидаги позициясини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Совет кишилари Совет ҳукуматининг СССР, АҚШ, Ҳиндистон, Буюк Британия, Франция ҳукуматларининг бошлиқлари дарҳол учрашсинлар, деган таклифи кейинги вақтларда АҚШ ва Англиянинг Ливандаги ва Иорданиядаги қуролли интервенцияси натижасида, шунингдек ёш Ироқ Республикасига қарши интервенция қилиш тайёргарлиги давом эттириляётганлиги натижасида Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келган жуда хатарли аҳволни дарҳол тугатишга қаратилган таклифдир, деб ҳисобламоқдалар. Ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашини чақириш Яқин ва Ўрта Шарқдаги уруш хавфини тугатишга ёрдам берадиган ҳозирги шароитдаги энг оқилона тадбир бўлади ҳамда тинчликни ва бутун дунё халқларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қароат туғдиради.

Совет кишилари АҚШ ва Англиянинг Араб Шарқидаги агрессия ҳаракатлари ҳамма халқларнинг тақдири учун нақадар хатарли эканлигини жуда яхши тушуниб турибдилар. Шу сабабли улар ўзларининг резолюцияларида сизни ва сиз орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма аъзоларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқлар томонидан ўзига юклатилган вазифаларни ва мақсадларни бажариши учун ҳамма чораларни кўришга даъват қилмоқдалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти АҚШ ва Буюк Британиянинг Араб Шарқидаги агрессиясининг пайини қирқиши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янги жаҳон урушининг бошланиб кетишига йўл қўйишга ҳақли эмас.

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети жуда кўп митингларда қатнашганларнинг илтимосини бажариб ҳамда Ўрта Шарқдаги интервенцияга норозилик билдириб ғазабланаётган барча совет кишиларининг овозига ўз овозини қўшиб, сизга Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан дарҳол чиқариб юборишни талаб қилувчи резолюциялар қабул қилган корхоналар, муассасалар, колхозлар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларнинг тўлик бўлмаган рўйхатини юборади.

Сиз, бош секретарь жанобларидан бу телеграммани кўпайтириб, совет кишиларининг бу талабини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллари бўлган барча мамлакатларга маълум қилишингизни сўраймиз.



Пойтахтимиз кундан-кунга обод бўлиб, янги майдон ва кўркам хиёбонлар вужудга келмоқда. Суратда: янгидан барпо қилинган Киров номли майдон.
В. Панов фотоси.

Америка-Англиянинг Ўрта ва Яқин Шарқдаги агрессияси дарҳол тўхтатилсин!

Араб мамлакатларидаги тинчлик тарафдорлари, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети вакилларининг қўшма баёноти

Араб мамлакатларининг, Бирлашган Араб Республикаси, Ливан, Ироқ, Иорданиянинг қуролсизланишга ва халқаро ҳамкорликка бағишланиб Стокгольмда ўтказилган конгрессда қатнашган делегациялари Москвада тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг вакиллари билан учрашдилар.

Улар Яқин ва Ўрта Шарқдаги мавжуд аҳволни ҳамда шу районда бўлаётган жиддий воқеаларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида муҳокама қилиб, қўшма баёнот қабул қилдилар. Баёнотда бундай дейилади:

Учрашув қатнашчилари қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорликка бағишланиб шу йил 16-22 июлда ўтказилган Жаҳон конгрессининг Ўрта Шарқ тўғрисида ҳамда юксак доирада кенгаш чақириш тўғрисида қабул қилган қарорларини, шунингдек қуролсизланиш ва атом уруши хавфининг олдини олиш тўғрисида, барча халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида қабул қилган қарорларини қизғин равишда қувватлайдилар.

Америка қўшинларининг Ливанга ва Англия қўшинларининг Иорданияга бостириб киргانлиги шу мамлакатларнинг суверенитетига ва мустақиллигига қарши қилинган қўпол агрессиядир ва бу агрессиялар Ироқ республикасига ҳамда Бирлашган Араб Республикасига ёйиш учун кўрилаётган тайёргарликдир.

Бу агрессия фақат араб мамлакатларигагина қарши қаратилган агрессия бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бутун дунёда тинчликка таҳдид солмоқда, бутун дунёни қирғин ядро урушига олиб боради. Шу сабабли араб халқларининг ўз миллий мустақилликларини ва суверенитетларини ҳимоя қилиш учун агрессияга зарба беришга интилиб олиб бораётган кураши айни бир вақтда бутун дунёда тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолиш учун олиб борилаётган курашдир.

Совет Иттифоқининг ҳукумати ва халқи араб халқларининг адолатли кураши тарафини олиб турибди. Бу позиция Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишга ва сақлашга, халқларнинг миллий мустақиллигини ва суверенитетини таъминлашга, халқларнинг ички ишларига аралашмасликни таъминлашга, барча давлатларнинг сиёсий системаларидан қатъи назар, улар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган асосий принципларидан келиб чиқаётган позициядир.

Жаҳон жамоатчилиги Совет Иттифоқи Министрлар Совети раиси Н. С. Хрушчевнинг буюк давлатлар бошлиқларининг дарҳол кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифини якдиллик билан қувватламоқда. Бироқ, Америка ва Англия ҳукуматлари бу таклифнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар ва жаҳон жамоатчилигини хилма-хил найранглар билан лақиллатишга уринмоқдалар, яна бунинг устига улар ўз қуролли кучларини ошириб равишда сафарбар қилиб, Ливанда, Иорданияда ҳамда Ўрта Шарқ ва Араб Шарқининг бошқа мамлакатларида тўпламоқдалар.

Бир жаҳондаги тинчликсевар халқларнинг ҳаммасини араб халқларини қувватлашга ҳамда Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан дарҳол чиқартириб юбориш, шунингдек халқаро кескинликни юмшатиш ва жаҳонни халоқатли атом урушидан халос қилиш мақсадида юксак доирада кенгаш чақиртириш учун ҳамма чораларни кўришга даъват қиламиз.

Яшасин халқларнинг атом уруши хавфини тугатиш учун, низоли масалаларни тинч ҳал қилиш учун курашдаги бирдамлиги!

Яшасин халқларнинг Америка ва Англиянинг Ўрта ва Яқин Шарқдаги агрессиясини дарҳол тўхтатиш учун олиб бораётган кураши!

Узбекистон журналистлари союзининг ташкилот бюросида

Журналистлар союзининг ташкилот бюроси навбатдаги мажлисида бу ижодий ташкилотнинг фаолиятига боғлиқ масалаларни қараб чиқди.

1959 йил январь ойида Тошкентда қуйидаги кун тартиби билан республика журналистларининг биринчи съездини ўтказишга қарор қилинди: 1) Ўзбекистон ССР журналистлар союзининг фаолияти ва вазифалари тўғрисида доклад; 2) Ўзбекистон журналистлар союзининг раҳбар органларини сайлаш; 3) СССР журналистларининг биринчи Бутуниттифоқ съездига делегатлар сайлаш.

Съездга тайёргарликни мувофиқлаштириш вазифасини бажарадиган группа тузилди, вакиллик нормалари белгиланди.

Съезд олдидан союз аъзоларининг область конференциялари (йиғилишлари) ўтказилади.

Бу мажлисда журналистларнинг катта бир группаси союзга қабул қилинди. (ЎзТАГ).

Ҳаваскорлар кўриги

Тошкентдаги Сталин номли пионерлар саройида пионер лагерлари бадиий ҳаваскорларининг кўриги бўлиб ўтди.

Эрталаб соат 10. Саройда Ватан, дўстлик, тинчлик ва бахтиёр ёшлик ҳақида жозибадор қўшиқлар янгради. «ТуркВО», «Қурилиш», Сталин номли, «Энергетик» ва Ворошилов номли пионер лагерлари бадиий ҳаваскорлари хорларни муваффақият билан ижро этдилар.

Ёш талантларнинг чиқишлари давом этади. «Алоқа», «Ёш гвардия» ва Ворошилов номли пионер лагерлари бадиий ҳаваскорлари ҳам ўзбек ва ҳинд ашулаларини, рақсларни моҳирлик билан ижро этиб, ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Айниқса, «Ёш гвардия» лагерининг ҳаваскори Қ. Жалилова ижро этган «Пионер» рақси, «Қурилиш» лагери ёшлари куйлаган «Тинчлик» қўшиғи кўрик қатнашчиларига жуда манзур бўлди.

Кўрикда Тошкентдаги 33 та пионер лагери бадиий ҳаваскорларидан 250 киши қатнашди.

Пионерлар саройида кўрикка бағишлаб катта виставка ҳам ташкил қилинган. Виставкага дурадгорлик, ўлкани ўрганиш, фото, ўймакорлик ва кашта тикиш каби ўндан ортиқ тўгарак аъзолари томонидан ишланган хилма-хил экспонатлар қўйилган.

А. САЙДАМИНОВ.

Саперлар қўзғолонининг 46 йиллигига бағишланган кеча

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи маданият уйида сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими томонидан Тошкентда бўлиб ўтган саперлар қўзғолонининг 46 йиллигига бағишланган кеча уюштирилди.

Кечада жамиятнинг ҳақиқий аъзоси отставкадаги полковник Бизер саперлар қўзғолонининг 46 йиллиги ҳақида доклад қилди. У 1912 йилда саперлар томонидан кўтарилган қўзғолоннинг сабаблари ва рўй берган воқеалар ҳамда ўз таассуротларини қизиқарли қилиб сўзлаб берди.

Докладдан сўнг йиғилганларга бадиий фильм кўрсатилди. 400 дан ортиқ киши қатнашган бу кеча жуда мазмунли ўтди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Бўлажак врачлар практикага жўнаб кетдилар

Тошкент медицина институти II курс студентлари яқинда ишлаб чиқариш практикасига жўнаб кетдилар. 700 дан ортиқ студент республикамизнинг Андижон, Наманган ва Тошкент областларидаги даволаш муассасаларида хирургия, терапия ва акушерлик юзасидан практика ўтказадилар. Улар операцияларда қатнашадилар, шунингдек, даволаш ишлари олиб борадилар.

Бундан ташқари кўпгина студентлар практикани Москва ва Ленинградда ўтказадилар. Улар олаётган назарий билимларини амалий тажриба билан мустаҳкамлайдилар.

А. КИМ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЎЙМАКОР УСТА

Тошкентнинг Молочная кўчасидаги кўркамгина боғ ўртасида жойлашган шинам бинога кирсангиз, кекса бир кишининг диққат билан нималарнидир ўйиб ўтирганини кўрасиз.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Сталин мукофоти лауреати Тошпўлат ота Арслонқулов шу ерда яшаб, ижод қилади.

Универсал рассом ганч-ўймакорлик касбини бундан 60 йил муқаддам отасидан ўрганган эди. Ҳозир устанинг шахсий бадиий архивида революцияга қадар унинг боболари томонидан Ўзбекистоннинг турли қурилишларида ишлатилган нақшли композициялариниг нодир андазалари сақланиб келмоқда.

Тошпўлат отанинг ижодий фаолияти совет замонасида гуллаб-яшнади. Моҳир ўймакор ўзбек халқининг қадимий санъати ҳақидаги қимматли маълумотларни бизга етказиб ва халқ миллий традицияларини авайлаб сақлаб келаётган сезгир рассомдир.

Арслонқулов Совет ҳокимияти йилларида республикамизда қурилган йирик қурилишларда актив иштирок этди. Қўқон, Андижон, Бухоро ва Тошкентдаги халқ қурилишларида бевосита қатнашди. Шунингдек, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик Виставкасидаги Ўзбекистон ССР павильонини бадиий жиҳатдан безашга катта ҳисса қўшди. Муқимий номли театр биноси қурилишида қатнашди.

Халқ ижодининг музейи ҳисобланган Навоий номли опера ва балет театри биносини безашда ҳам у ўзининг ганчкорлик санъатини яна бир карра намойиш қилди. Ундаги безаклар орасида моҳирона ясалган нақшли ганч панноллари ўзининг гоят мураккаб ва нозик ишланиши билан кўзга алоҳида ташланиб туради. Бу эса уста ижодининг ўзига хос хусусиятини кўрсатади. Ҳозир унинг ижодий бойлиги республикамиздагина эмас, балки бутун Иттифоқда ҳам машҳурдир.

Шу кунларда пойтахтимизнинг барча санъат ходимлари қатори уста Тошпўлат ота ҳам Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига янги нақшли композициялар — ганч панноллари тайёрлаётир.

Ота ганч ўймакорлигида оригинал композициялар яратиш, уларда миллий традицияларнинг акс эттирилишига алоҳида аҳамият беради.

Уста ўз санъатини, кўп йиллик бой тажрибасини Тошкент бадиий билим юртида таълим олаётган ёшларга ҳам кунт билан ўргатиб, кўпгина шогирдлар етиштираётир.

О. АПУХТИН.

Суратда: Тошпўлат ота Арслонқулов ўз шогирдига гул ўйиш санъатини ўргатаётир.

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Яқинда Кишиневда ёшлар ўртасида бокс бўйича СССР шахсий команда биринчилиги учун мусобақа бўлиб ўтди. Унда иттифоқчи республикалар ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарларидан 150 дан ортиқ спортчи қатнашди.

Ўзбекистон терма командаси составида «Динамо»нинг ёш спортчиларидан А. Икромов, А. Онищенко, В. Гладков, В. Титаренко, В. Кузнецов, А. Бурсов ва И. Рожков, шунингдек «Спартак» жамиятидан И. Люксембург ва «Меҳнат резервлари»дан В. Журавский ўртоқлар бор эди.

Команда ҳисобида республикамиз терма командаси Москва, РСФСР ва Украина командаларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллади.

Республиканинг ёш боксчиларидан А. Икромов, В. Гладков, В. Струков, Г. Кузнецов, И. Рожков ўз вазн категориялари бўйича учинчи ўринни эгалладилар. Уларга бронза медали ва қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

— Бундай ютуқ, — дейди бош тренер М. Франк, — Ўзбекистон боксчилари тарихида биринчи йириг галабадир. Республика боксчилари йилдан-йилга ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ҳ. НОРМАТОВ.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ СПАРТАКИАДАСИ

Бугун пойтахтимиздаги «Динамо» стадионида республика физкультура коллективларининг касаба союзлари XII съезди ва ВЛКСМ 40 йиллигига бағишланган ХМ спартакиадаси тантанали равишда очилади.

Спартакиада қатнашчилари енгил атлетика, сузиш, велосипед пойгаси ва оғир атлетика бўйича мусобақалашадилар. Спартакиада тўрт кун давом этади.

Телевизор экранида

2 АВГУСТДА

19.30. Темирйўлчилар кунига бағишланган эшиттириш.
20.45. Бадиий фильм — «Қуш сотувчи».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

НЕРУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 31 июль. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру Деҳлида ўтказилган оммавий митингда чет эл қўшинлари Иорданиядан ва Ливандан олиб чиқиб кетилиши лозим, деди. Бу хил интервенция такрорланмаслиги керак, деди у.

Неру юксак доирада кенгаш ўтказилиши лозим, деб таъкидлади.

ИРОҚ ХАЛҚИ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШАДИ...

Ироқ бош министри ўринбосарининг айтганлари

ҚОҲИРА, 31 июль. (ТАСС). «Ашшаоб» газетаси хабар беради: Ироқ Республикаси бош министрининг ўринбосари Ориф Қут шаҳрида (Ироқ) Тинчлик маҳалласи деб аталаётган янги маҳаллада қурилаётган иморатларга пойдевор қуриш маросимида сўзга чиқиб, Ироқ халқи ўзининг мустақиллигини қаттиқ турлб ҳимоя қилади ва тинчлик учун курашади, деб айтган.

Империализм, деди Ориф, Ироқ Республикасига яна зўрлаб ҳукмрон бўлиб олишга уринмоқда. Бироқ, империализмнинг ҳамма уринишлари пуч бўлиб чиқади. У, араб халқлари орасида жанжал чиқаришга ҳамда ташвиш ва безовталик вужудга келтиришга уринмоқда. Лекин Ироқ халқи бирликка ишонади ва осойишталикни сақлайди. Халқ, деб таъкидлади Ориф, — порахўрликка ва феодализмга хотима беради ҳамда яхши турмуш учун курашади.

ТУРК ГАЗЕТАСИНИНГ ҲУШЁР ОВОЗИ

«Ливан ва Иорданияни дарҳол ташлаб чиқиб кетиш инглизлар ва американликлар учун бирдан-бир оқилона йўлдир»

ИСТАМБУЛ, 31 июль. (ТАСС). «Ени газете»нинг обзорчиси Англия ва Американинг Ўрта Шарқдаги интервенцияси тўғрисида ёзган мақоласида бундай дейди:

«Америка ва Англия қўшинлари Ливанга ва Иорданияга юборилаётганлиги ҳозирги вақтда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини жалб килмоқда. Америка қўшинларини Ливанга туширилганлигига халқаро ҳуқуқ ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек Ливан парламенти буни маъқулламаётганлиги сабабли ҳам Ливаннинг ички ишларига аралашиш деб баҳо берилмоқда. Бутун дунёда баён қилинаётган фикрлар Америка жуда мушкул аҳволга тушиб қолганлигини кўрсатади».

Американликлар ва инглизлар, деб ёзади сўнгра обзорчи, ўзлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб турган ҳукуматларни ва ҳукмдорларни қўллаб-қўлтиқламоқ учун ўз қўшинларини бироз вақт қолдириб туришлари мумкин. Ниҳоят, улар кенгайиб бораётган миллий ҳаракатга қарши курашмоқ учун бу иккала мамлакатда номаълум вақтгача туришлари мумкин. Бироқ бу иккала йўл ҳам американликларни Ўрта Шарқда ўзлари тушиб қолган оғир аҳволдан қутқариб ололмайди. Англия ва Америка қўшинлари Иорданияда ва Ливанда қолаберар экан, улар агрессорлар деб, уларнинг ҳаракатлари эса шу мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш деб ҳисоблана беради. Иордания ва Ливанни дарҳол ташлаб чиқиб кетиш инглизлар ва американликлар учун бирдан-бир оқилона йўлдир.

МЭРФИ ИСРОИЛГА ҚЕЛДИ

ТЕЛЬ-АВИВ, 31 июль. (ТАСС). Қўшма Штатлар давлат секретари ўринбосарининг ўринбосари Роберт Мэрфи бугун бу ерга бир кунлик визит билан келди. Матбуотнинг берган хабарларига қараганда, Мэрфи Исроил бош министри ва ташқи ишлар министри билан Америка қўшинларини Исроил ҳаво чегараси орқали Иорданияга кўчириш масаласини ва бошқа масалаларни муҳокама қилади.

Мэрфининг визити, «Кулли-ом» газетасининг ёзишича, «Бен-Гурион ҳукуматининг Яқин Шарқда Англия-Америка агрессив компаниясида иштирок қилишини кўрсатадиган янги далилдир».

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1958/59 йил мавсумининг очилиши — 2/VIII да **Ганг дарёсининг қизи**, 3/VIII да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Ҳақиқат**, кеч соат 6, 8 ва 10 да кенг экранли фильм **Ун саккизинчи йил.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун: 1 ва 2- залда **Шаҳар чироқлари ёқилди**, 3-залда **Ҳақиқат.**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли бадиий фильмлар: **Опа-сингиллар, Ун саккизинчи йил** (1 ва 2-серия).

КАФАНОВ номли — кеч соат 9-10 минутда **Сўнгги сабударлик**, кеч 11 да **Шаҳар чироқлари ёқилди.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Миноралар устидаги байроқлар.**

«ХИВА», «САЛЮТ» — **Миноралар устидаги байроқлар.**

«ВАТАН» — кеч соат 9-15 минутда **Ҳақиқат**, кеч соат 10-45 минутда **Штепсель Тарапунканн уйлантиради.**

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Муқимий номли театрнинг ёзги биносида (Комсомол кўли)

2 августда

Маърифат қурбонлари

4 парда, 7 кўринишли музикали драма.

3 августда

Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам

5 парда, 8 кўринишли музикали драма.

Спектакллар кеч соат 9 да бошланади. Билетлар Муқимий номли театр кассаларида ҳар куни эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

Бир хотин ҳаёти

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий авторлари — **Ямамото Юдзо, Мидзуки Еко.**

Режиссёр — **Накамура Нобору.**

Оператор — **Юдзуката Тосно.**

Ролларда:

Авасима Тикагэ, Уэхара Кэн, Кабаяси Тосико, Кусабуэ Мицуко, Нодзоэ Хитоми, Суговара Эйити ва бошқалар қатнашади.

Фильмни Японияда «Сетику-фильм» студияси ишлаган, «Ленфильм» киностудиясида рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон ташкилоти бюроси билдирадики,
4 август кеч соат 6 да, Узсовпроф конференц-залида (Киров кўчаси, 20- уй) **ихтирочи ва рационализатор пенсионерлар**

ЙИҒИЛИШИ БЎЛАДИ

Йиғилишга Тошкент шаҳридаги пенсионер ишчи ва инженер-техник ходимлар таклиф этилади.

16-НОН ЗАВОДИГА

хотин-қиз ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Комсомол кўчаси, Фарҳод проезди, 57- уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (8, 11, 1, ва 4-трамвайнинг «Чорсув» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06066. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-537.